nomidagi
O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

39 (523) ● 2018 йил 26 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Фракция позицияси

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТИ ИККИ ЯРИМ ЙИЛДАН УЧ ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

Қуйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам қонун лойиҳаларини қизғин муҳокама қилдилар. Ҳар бир қонун лойиҳаси партия дастурий вазифалари, электорат манфаатлари ҳамда бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳалари бўйича ўз позициясини билдирди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Саммит кун тартибидан турли соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг жорий ҳолати ва истиқболларига доир кенг кўламли масалалар ўрин олган.

Шунингдек, давлат раҳбарлари 2019 йилда МДҲга раислик қиладиган давлатни, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи ва муддатини белгилаш масаласини кўриб чиқади, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашади.

Мажлис якунида қатор салмоқли ҳужжатлар, жумладан, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тадбирлар режаси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар давлатлараро дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида Душанбе шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

ЎзА

Таҳлил ва танқид

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ

БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Халқимизнинг қадимий тарихидан сўзлайдиган ноёб ёдгорликларни асраш, ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш гоят муҳим вазифа. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди. Айни вазифалардан келиб чиқиб, ўтган бир йил ичида ЎзМТДП томонидан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Аввало, партия Марказий кенгаши томонидан мамлакатимизда мавжуд моддий-маданий мерос объектларини тўлиқ инвентаризация қилиш, уларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Бундан кўзланган асосий мақсад — ҳудудлардаги мавжуд маданий мерос объектларини қайта инвентаризациядан ўтказиш орқали тарихий обидаларни тиклаш, қадимий қадамжоларнинг ҳолатини яхшилаш, йўқолиб кетиш арафасида турган объектларни сақлаб қолиш ва бунинг натижасида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада яхшилашга эришишдан иборат.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши, партия гуруҳлари, маданият бошқармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида вилоятдаги мавжуд маданий мерос объектларининг ҳолатини ўрганмоқда. Ўрганишлар жараёнида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро инспекцияси тақдим этган маълумотга кўра, вилоятда жами 421 моддий-маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 301 таси археология, 70 таси архитектура, 45 таси монументал санъат ёдгорлиги, 5 таси диққатга сазовор жой ҳисобланади. Бироқ ўрганишлар давомида улардан атиги 163 тасининг кадастр ҳужжати мавжудлиги аниқланди.

2-бет

Замонамиз зиёлиси

ЗИЁЛИ ОДАМ: У КИМ ВА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ишларнинг маромини, баъзида ношудлик ва лоқайдликни, ўрни билан тақдирнинг кутилмаган пешкашларини идрок этишда мужмаллик ёки қийинчилик сезилган дамларда, яна инсоннинг ўйи билан амалиётдаги айирмаларнинг сабаб ва оқибатлари орасидаги боғланишлар моҳиятини англашда ожизлик сезилиб қолганида "замона зайли" деган ифода фаоллашиб қолади. Ана шундай ҳолатларда инсоният ўзидаги турфа феъл-атворларни яхлит бир тўплам сифатида намоён қилади.

Ҳар қандай вазият ва шароитда, ҳар қандай макон ва замонда ҳам фақат ёруғ кунларга, мунаввар ҳаётга эътиқод ва ишонч билан қарай оладиган, кўпчиликни тушкунлик, лоқайдлик, бепарволик дардидан фориғ қилишга интиладиган, фақат ўзини эмас, балки кўпчиликни, ҳатто ҳаммани эзгулик ва умидворлик руҳи билан озиқлантира оладиган тоифа ҳам майдонда бўлади ва улар "зиёли" деган умумий ном остида бирлашади.

"Зиёли" сўзининг ўзагида "зиё" сўзи бор. У араб тилидан ўтган. Маъноси "нур" бўлади. Айни пайтда унинг "йилтирамоқ", "ялтирамоқ" деган маънолари ҳам мавжуд. Кўчма маънода у "билим", "маърифат", "илм"ни англатади. Шунга асосан "зиёли" сўзи ҳосил бўлган. Аммо унинг "илмли", "маърифатли", "билимли", "ўқимишли" маъносидан ташқари "ақлий меҳнат билан шуғулланувчи" деган маънолари ҳам кенг қўлланади. Шунга кўра, бу сўзнинг, айниқса, ўқитувчиларга, мураббийларга нисбатан қўлланишида фаоллик сезилади.

5-бет

Ўқув-семинар

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАНФААТИ

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳада ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаоллиги, янгиликлар яратишдаги иштироки тобора кенгайиб бораётир. Айни пайтда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шундан, 1 минг 400га яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида, 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

2-бет

Хиёбон

"...АЙЛАМАК БЎЛМАС АДО ОНИНГ ҲАҚИН ЮЗ ГАНЖ ИЛА"

Азалдан макон ва замон, олам ва одам, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, авлодлар давомийлигини, инсоният камолотини таъминлашга хизмат қилгувчи эзгу тушунчалар силсилада муаллимлик рутбаси доим юксак ва қадрли бўлиб келган.

Алишер Навоийнинг "Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила", деган сатрлари масъулиятли ва шарафли касб эгалари меҳнатига муносиб баҳодир.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси **Назокат Воҳидова** билан халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар, мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсири, муаллимлик масъулияти, касб ва бурчга садоқат, баркамол авлодни тарбиялашдек ғоят муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда ота-она ва ўқитувчи ҳамкорлиги сингари мавзуларда суҳбат қурдик.

8-бет

Ушбу сонда:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕТАКРОР СОВҒАЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ САЙИЛГОҲ КЎЧАСИДА "ЎЗБЕКИСТОН СОВҒАЛАРИ" БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМА-САВДОСИ БЎЛИБ ЎТДИ

4-бет

"РАҚҚОС УЙ"

УЗОҚ ТОРТИШУВЛАРДАН КЕЙИН ПРАГАНИНГ "ТАШРИФ ҚОҒОЗИ"ГА АЙЛАНГАН

7-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
39 (523) 2018 йил 26 сентябрь, чоршанба

Фракция позицияси

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТИ ИККИ ЯРИМ ЙИЛДАН УЧ ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги фармони билан тасдиқланган Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг 11-банди ижроси юзасидан Уй-жой кодексининг 32-моддасига ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда. Киритилаётган ўзгартишларга кўра, турар жой мулкдорининг оила аъзоси деб эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари билан биргаликда мулкдорнинг оилали фарзандларининг хотинлари (эрлари) ҳам агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, ўзаро келишувга биноан, уй-жой мулкдорининг оила аъзоси сифатида тан олиниши назарда тутилмоқда. Таклиф этилган "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексининг 32-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининнинг қабул қилиниши мулкдорнинг оилали фарзандларининг хотинлари (эрлари) ҳам оиланинг бошқа аъзолари билан биргаликда уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишига замин яратади. Қонунчиликдаги мазкур меъёр хотин-қизларнинг никоҳдан ажралган ҳолларда мулкдорнинг уй-жойидан фойдаланиш, мазкур уй-жойга ўзининг фарзандларини ҳам кўчириб киритиш ҳуқуқини вужудга келтиради ва бу эса, ўз навбатида, оилавий ажримларнинг олди олинади.

Бироқ, ушбу масаланинг мукаммал қонуний асосга эга бўлиши жамиятимиз кўпчилик аъзолари учун муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, бу борада шошма-шошарлик билан қарор қабул қилиб бўлмайди, шу боис масалани ҳар тарафлама асосли ўрганиб, чуқур муҳокама этиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларига қулай шароит яратиш, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га ўз билим ва бошқарув маҳоратини намоён этиши учун кўпроқ имконият яратишга қаратилган. Амалдаги қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бирга унинг маслаҳатчисини ҳам сайлашни назарда тутади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилиши, ушбу комиссиялар эса мазкур қонуннинг 32-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари бўйича бир ой ичида сайланиши лозимлигига эътибор қаратайлик. Бу билан, яъни маслаҳатчиларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда сайланиши раис (оқсоқол)нинг фуқаролар йиғини органларини шакллантиришдаги роли ва иштирокини пасайтиради. Шу боис маслаҳатчиларнинг раис (оқсоқол) билан бир вақтда сайланиши мақсадга мувофиқ эмас. Таклиф этилаётган янги қонун лойиҳасига кўра, маслаҳатчиларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда сайланишининг олдини олиш мақсадида амалдаги қонун таҳриридан "ва уларнинг маслаҳатчилари" сўзлари чиқариб ташланмоқда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) нинг ваколат муддати эса икки ярим йилдан уч йилга узайтирилмоқда. Фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига таъсир этишга имконият қолдирмаслик мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида яширин овоз бериш тизими ўрнатилаётгани ҳам ўзига хос янгиликлардан биридир. Бундан ташқари, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайлов ўтказиладиган сана, унинг вақти ва жойи, раис (оқсоқол) лавозимига номзодлар ҳамда овоз бериш якунлари тўғрисидаги ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш белгиланмоқда.

Энди сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан республика даражасида Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг комиссияси эмас, балки Сенат Кенгаши томонидан алоҳида тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссияси шуғулланади. Унинг таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг янада очиқлигини таъминлайди, фуқаролар йиғинининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институти фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Даврон ОРИПОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мамлакатимизда олий судловни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилса-да, давр тақозосига кўра мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси айни шу мақсадда қабул қилинмоқда, мавжуд камчиликлар бартараф этилаётир. Масалан, Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатларининг раислари — раис ўринбосарларининг судлов ҳайъатлари ва қуйи судлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишдаги масъулиятларини кучайтириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 27, 34, 35, 38-моддаларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексининг 26, 132-моддаларига тўлдириш, 173, 191, 195-моддаларига ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда. Бу билан юқорида таъкидланган шахслар Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатлари ишига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилади, тегишли судлов ҳайъатларининг мажлисларида ишларни кўриш учун таркибларни шакллантиради, қуйи судлар фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддасига кўра, маъмурий судларга асосан давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар билан боғлиқ (маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган) ишлар тааллуқлидир. Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳрири қабул қилинганлиги боис ундан фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш билан боғлиқ низоларни кўриш меъёри чиқарилган. Бироқ нодавлат ташкилотлари ва тизимлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш тартибга солинмаган. Пировардида фуқаролик ишлари бўйича судлар бундай тоифадаги шикоятларни уларга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилмаяпти. Ўз навбатида, маъмурий судлар ҳам ҳудди шундай иш тутаётир. Бу эса сансалорлик ва идораларо келишмовчиликларга олиб келмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг иккинчи ярмида нодавлат ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ 17 низо, жорий йилнинг биринчи ярмида эса айни шундай хусусиятга эга 48 низо кўриб чиқилган. Бу ушбу тоифадаги ишлар кўпайиб бораётганини кўрсатаётир. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши одил судловни амалга ошириш ва судлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини янада кучайтириш, судлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ ишлар бўйича судловга тааллуқлилик борасидаги келишмовчиликлар вужудга келишининг олдини олиш, ишда иштирок этувчи шахсларни судга чақириш ва уларга суд қарорларини юбориш билан боғлиқ сансалорликларни истисно қилиш, почта хизмати билан боғлиқ суд харажатларини ўз вақтида қоплаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга имкон яратади.

Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўқув-семинар

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАНФААТИ

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Юртимизда бугунги кунда 30 ёшгача бўлган ёшлар 17 миллион 716 мингдан зиёд бўлиб, бу мамлакатимиз аҳолисининг 61 фоизидан кўпроғини ташкил этади. Улар орасида спорт, маданият, илм-фан каби кўплаб соҳаларда Ўзбекистон нуфузини жаҳон миқёсида ҳимоя қилиб келаётган йигит-қизлар жуда кўп.

Хотин-қизлар ва ёшларимиз бугунги кунда ҳар жабҳада фаол, ўз ўрни ва овозига эга. Буни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда муносиб иштирок этаётир. Айни пайтда ЎзМТДП умумий аъзолари сонининг 50 фоизга яқинини хотин-қизлар, 53 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар ҳудудларда давлат дастурлари, шунингдек, "Хизмат — беминнат", "Уйма-уй" каби партия лойиҳаларини кенг тушунтириш, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил қилиш, уюшмаган ёшларни аниқлаш ва фойдали юмушга жалб қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Президентимиз раислигида шу йил 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар билан боғлиқ амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари учун "Ёшлар ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўрни" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Пойтахтимизда ўтказилган ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оила асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳим йўналишлар сифатида белгиланди, — деди ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Амалдаги қонунларимизда хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлари, сайловлардаги иштироки, парламентда ўз ўрнига эга бўлиш, бошқарув ва ҳокимият идораларида хизмат қилиши тўлиқ кафолатланган. Бир сўз билан айтганда, давлат дастурлари ва ҳукумат қарорларида аёл, оила, фарзанд масаласи ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этишга интилаётир. ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида хотин-қизлар ва ёшларни ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган — оилани ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис партия ўз фаолияти давомида юртимизда хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг тадбиркорлик, ҳунармандлик ва касаначилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик маиший турмушда учраб турадиган келишмовчиликлар, оилавий муросасизликлар, ажримлар ҳамда уларнинг олдини олишга хизмат қилаётир.

Ўқув-семинарда иштирокчилар ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари билан ҳам таништирилди. Ёшлар манфаатини ҳимоялашга қаратилган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур дастур, энг аввало, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, ёшлар бандлигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга муносиб ҳисса қўшади.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Шу боис ЎзМТДП маҳалла ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кучайтириши, "Хизмат — беминнат", "Уйма-уй" каби лойиҳаларни янада кўпайтириши ва самарали амалга ошириши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, тадбирда ёшлар бандлигини таъминлашда коворкинг марказларининг аҳамияти ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг замонавий усуллари бўйича мастер-класс ташкил этилди.

Семинар якунида партия етакчиси Сарвар Отамуратов "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари билан партия фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан очиқ мулоқот ўтказди.

Ҳанифа ЗОКИРОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Ушбу ўқув-семинар ЎзМТДП мақсад-вазифаларини амалга ошириш, партия сайловолди Платформасида хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида ташкил этилди. Бугунги семинарда оила институтини мустаҳкамлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича қатор таклифлар тайёрладик. Бунда аёлларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тавсиялар ЎзМТДП экспертлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилади.

Илҳом ТУРСУНОВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Ёшлар ва вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбияси, соғлиғини ижтимоий муҳофаза этиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бугунги куннинг муҳим вазифаси саналади. Шу боис бугун мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ўқув-семинарда ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлашда мавжуд муаммо ва уларнинг ечимлари тўғрисида сўз юритилди. Фаолиятимиз танқидий-таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

У. УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил ва танқид

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ

БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақаларо инспекцияси ходими Баҳодир Ҳаққулов. — Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармойишидан кейин қайта ҳатлов ўтказилиши натижасида Навоий вилоятида 389 маданий мерос объекти рўйхати шакллантирилди. Бироқ айни пайтда маданий мерос объектларини асраш, рўйхатдан ўтказиш ва паспортларини тайёрлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида муаммолар мавжуд. Эндиликда ЎзМТДП билан ҳамкорликда бу борадаги ишларни жонлантириш, ҳудудимизнинг фойдаланилмаётган туристик имкониятларини кашф этишга бел боғладик.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида мавжуд маданий мерос объектларининг бугунги ҳолатини ўрганиш мақсадида тузилган Ишчи гуруҳининг йиғилишида маданий мерос объектларининг айни ҳолатини қайтадан баҳолаш, моддий маданий мерос объектларини тўлиқ инвентаризация қилиш, уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

— Ўтган давр мобайнида вилоятимиздаги маданий мерос объектлари ҳолатини ўрганганимизда, уларнинг кўпчилик қисми ободонлаштирилиши, қайта ҳатловдан ўтказилиши зарурлиги аниқланди, — дейди ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши қошидаги Ишчи гуруҳ аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутат Тоҳир Ўринов. — Тегишли ташкилотлар билан биргаликда, энг аввало, кадастр ҳужжати мавжуд бўлмаган 250дан зиёд маданий мерос объектига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, тарихий обидаларнинг бузилиб кетган қисмларини тиклаш, ён-атрофини ободонлаштириш, зиёратчилар учун қулайликлар яратиш, аҳоли хонадонлари, савдо объектлари сифатида ўзлаштирилган ёдгорликларга туташ ҳудудларни қайтариш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Зеро, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар нафақат тарихни ўрганиш, тарғиб қилиш, балки ўсиб келаётган ёш авлодни бебаҳо тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларда миллий ўзликни англаш туйғусини янада кучайтириш, жамиятда юксак маънавиятни теран қарор топтиришга хизмат қилади.

Абдували БЎРИЕВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида

"БАРКАМОЛ АВЛОД" БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚОНИҚАРЛИМИ?

Истеъдодсиз бола бўлмайди. Фақат ундаги "ярқ" этиб турган иқтидор қиррасини вақтида аниқлаш ва эътиборли бўлиш, унинг юзага чиқишига имконият ва шароит яратиш зарур. Шу боис, юртимизда истеъдод ниҳолларини парваришлаш, улар учун барча шарт-шароитни яратиш, касб-ҳунарга йўналтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда, мактабгача таълим, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳар бир соҳада етук кадрлар тайёрлашнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти болаларни фойдали машғулотларга жалб этиш, энг муҳими, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, қизиқишларига қанот бўлиш мақсадида йўлга қўйилган, десак адашмаймиз. Хўш, бугунги кунда мазкур муассасалар ўз олдига қўйилган вазифаларни қай даражада бажармоқда? Эртамиз эгалари бўлмиш ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини юзага чиқаришда уларнинг иштироки қониқарлими?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятини ривожлантириш, улар учун қулай шарт-шароит яратилишига кўмаклашиш мақсад ва вазифалари белгиланган. Шу боис ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари жойлардаги "Баркамол авлод" болалар марказларидаги таълим сифатини ўрганиб, таҳлил қилиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги "Баркамол авлод" болалар марказлари ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган "Баркамол авлод" болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида олиб бормоқда.

Маълумки, қорақалпоқ ёшлари адабиёт ва санъатга меҳри юксаклиги боис республикамиз миқёсида ўтказиладиган фестиваль ва кўрик-танловларда мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётир. Ҳудуддаги "Баркамол авлод" болалар марказлари аъзолари халқаро танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Хусусан, Японияниг Нарита шаҳрида ўтказилган "Дўстлик" мавзусидаги дунё болаларининг ижодкорлик ишлари бўйича расмлар кўргазмасига Нукус шаҳрида жойлашган марказнинг "Тасвирий санъат" тўгараги аъзолари Ерназар Сапарниязов ҳамда Нурлан Қалбаев ўз ижод намуналари билан иштирок этди. Кўргазма якунида дунёнинг 255 мамлакати болалари орасидан юртимиз вакиллари ғолиблар сафидан жой олди.

Ўтган йили "Экология болалар нигоҳида" экофестивалининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика босқичида Нукус шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказининг тўгарак аъзоси Озода Убайдуллаева 1-ўринни эгаллади ва бошқа қорақалпоғистонлик иштирокчилар ҳам бир неча номинация бўйича тақдирландилар. Шу билан бирга "Болалар ва сув" экофестивалининг республика босқичида Амударё тумани "Баркамол авлод" болалар маркази жамоаси фаол иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади.

Бундай ютуқларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ўрганишлар давомида ютуқлар билан бир қаторда "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятида талай муаммолар борлиги ҳам аниқланди. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 288 мингдан зиёд ўқувчи умумтаълим мактабларда таҳсил олмоқда. Ҳудудда 17 та "Баркамол авлод" болалар маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда 10 мингдан зиёд, яъни 3,5 фоиздан ортиқ ўқувчи қамраб олинган. Бу кўрсаткич туман ва шаҳарлардаги мактабларда ўқувчиларни қамраб олиш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Жумладан, Қўнғирот туманида жами 48 мактаб бўлиб, шундан 22 таси, Тахтакўпирда 23 мактабдан 3, Шуманай туманида 32 мактабдан 6, Кегейлидаги 50 мактабдан 6, Қораўзак туманида 32 мактабдан 6, Беруний туманида 68 мактабдан 21 мактаб ўқувчилари "Баркамол авлод" болалар марказларига қамраб олинган, холос. Марказлар томонидан чекка-чекка қишлоқлардаги мактаблар ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида улар билан ишлаш тизими йўлга қуйилмаган. Жалб қилинган тақдирда ҳам улар учун мослаштирилган бино ва моддий-техник база яратилиши зарур.

Туман марказларидаги айрим тўгараклар фаолияти қониқарсиз. Масалан, "Компьютер саводхонлиги" тўгарагига компьютер етишмайди. Компьютер билан етарлича таъминланган айрим марказларда эса бу зарур техника воситасининг тўлиқ ишламаслиги маълум бўлди.

Фаолият самарадорлиги паст бўлган яна бир йўналиш бу — спорт тўгаракларидир. Масалан, Нукус шаҳрида фаолият юритаётган ягона спорт тўгарагида спорт инвентарлари етишмовчилиги аниқланди. Ўқувчилар мазкур тўгаракда гантелларнинг ўрнига, сув ва қум билан тўлдирилган, пластик идишлардан ясалган турли оғирликдаги қўлбола "спорт инвентарлари"-дан фойдаланмоқда.

— Ҳудуддаги айрим "Баркамол авлод" болалар марказлари кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида жойлашганлиги аниқланди, — деди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Байрамбой Мунназаров. — Масалан, Нукус шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази кўпқаватли уйнинг ертўла қисмида жойлашган бўлиб, ундаги антисанитар ҳолат кишини ташвишга солади. Шу билан бирга марказ биносининг бир қисмида Нукус шаҳар "Орнек" маҳалла фуқаролар йиғини биноси жойлашган. Бу, ўз навбатида, бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Баъзи туманлардаги "Баркамол авлод" болалар марказлари қиш мавсумида умуман иситилмайди. Бундай ҳолатда тўгараклардаги давомат қониқарли бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Бироқ Қонликўл туманидаги марказ таълим муассасаларидан анча узоқ масофада жойлашганлигига қарамай, унда 460 нафар ўқувчи қамраб олинган ва бу ҳудуддаги Мўйноқ туманидан кейинги ўринда туради. Бу борадаги энг паст кўрсаткич Тўрткўл ҳамда Беруний туманларида кузатилди.

Ўрганиш давомида деярли барча "Баркамол авлод" болалар маркази раҳбарлари, педагогларга тўланадиган ойлик маош етарли эмаслиги, педагог ходимларнинг иш ҳақини мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақига тенглаштириш орқали уларга олий маълумотли, салоҳиятли кадрларни жалб этиш, ходимлар фаолиятини педагогик стажга киритиш лозимлиги аён бўлди. Чунки, "Баркамол авлод" болалар марказларида ўқиганлик учун ота-оналардан олинадиган тўловлар бошқа вилоятларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 2 баробарга кам. Яъни, Оролбўйи болаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳарларида ойига энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан — 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида — 2,5 фоиз миқдорида тўлов белгиланган. Лекин камайтирилган миқдорни "Баркамол авлод" болалар марказлари ҳисобига бюджетдан тўлдириш ҳақида ҳеч ким ўйламаган. Бу эса марказларнинг моддий таъминотига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мазкур ҳолатга мутасаддилар томонидан эътибор қаратилиб, ижобий ҳал қилинса ҳамда ходимларнинг иш ҳақи ўрганилиб, тўгарак раҳбарларининг эришилган ютуқларини инобатга олган ҳолда уларга тегишли тоифалар берилса, шу қаторда ҳар бир марказда ўқувчиларининг республика ва халқаро кўргазмаларда эгаллаган ўринлари юзасидан рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилиб, амалда тадбиқ этилса, таълим сифатида ўзгариш бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, ушбу масканларни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш, моддий таъминот даражасини қайта кўриб чиқиш, жойлашган ўрнига эътибор қаратиш, зарур техник, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш доимий эътибордаги масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, "Баркамол авлод" болалар марказларининг фаолияти бугунги давр руҳи ва талабига мос тарзда йўлга қўйилмас экан, ўғил-қизларимизнинг касб-ҳунар эгаллаш борасидаги қизиқиш, интилиш ва иштиёқини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши маълумотлари асосида "Milliy tiklanish" мухбири Дилфуза МАҲКАМОВА тайёрлади.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси лойиҳасининг кенг жамоатчилик ўртасидаги муҳокамаси натижалари таҳлилига бағишланган масала кўриб чиқилди.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ

КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Таъкидланганидек, Сайлов кодекси лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган. Муҳокама учун Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (www.regulation.gov.uz) ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб сайти (www.elections.uz)да ўзбек ҳамда рус тилларида жойлаштирилди.

Лойиҳа маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув муассасаларида, сиёсий партиялар вакиллари, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзолари, депутатлар иштирокида қизғин муҳокама этилмоқда.

Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ҳудудларда жами 278 тадбир ўтказилган бўлиб, уларда 30 мингга яқин фуқаро иштирок этган ва 436 таклиф билдирилган.

Бу таклифларнинг аксарияти овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари, маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг хусусиятлари, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг фаолияти, номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, кузатувчиларнинг, сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир. Айни пайтда мазкур таклифлар мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

2018 йилнинг 6-7 сентябрь кунлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва Венеция комиссияси делегацияси Сайлов кодекси лойиҳаси юзасидан тегишли давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан фикр алмашди. Делегация Ўзбекистонда кейинги сайловларда сайловчиларнинг электрон рўйхати амал қилиши жорий этилаётганини ижобий баҳолади. Ушбу таклиф натижаси юзасидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва Венеция комиссияси экспертларининг хулосаси тайёрланиб, жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Венеция комиссияси ялпи йиғилишига муҳокама этилиб тасдиқлаш учун киритилади.

Марказий сайлов комиссияси шу йилнинг ноябрь ойида Бухоро шаҳрида миллий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Сайлов кодекси лойиҳасини хорижий эксперт-лар иштирокида муҳокама қилиш мақсадида халқаро конференция ўтказишни режалаштирган.

Мажлисда кўриб чиқилган масала бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси томонидан Сурхондарё, Навоий, Сирдарё, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисида бўшаб қолган ўринларга сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг янги аъзоларига Сенат аъзоси гувоҳномаси ва кўкрак нишони топширилди.

Ўз мухбиримиз

Партия лойиҳаси

"УЙМА-УЙ" ЛОЙИҲАСИ: ШУНЧАКИ ХОНАДОНМА-ХОНАДОН ЮРИШ ЭМАС

БАЛКИ АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ, МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ДЕМАКДИР

Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу гояси аҳоли билан мулоқотнинг самарали тизимига, мавжуд масала ва муаммоларнинг жойида ижобий ҳал этилишини таъминлашда муҳим омилга айланмоқда.

Бу жараёнда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳам фаол иштирок этишга интилаётир. Хусусан, партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси ҳар бир фуқаро билан бевосита мулоқотга киришиш, оилаларда ечимини кутаётган кўплаб масалаларни ўрганиб, уларни зудлик билан мақсадли ҳал этилишида муҳим роль ўйнамоқда.

— Жорий йилнинг шу даврига қадар партиямиз ходимлари, фаолларимиз ҳамда депутатлар жами 3 минг 900га яқин хонадонда бўлиб, соғлиқни сақлаш, таълим, бандликни таъминлаш, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб бериш, йўлларни ободонлаштириш билан боғлиқ муаммоларга ечим топишга эришди, — дейди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сайфулла Махматмўминов. — Бу жараёнда партиямиз ходимлари тегишли ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қилиб бўлса-да, муаммоларни тўлалигича бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда Деҳқонобод туманининг чекка қишлоғидаги "Обиравон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида уч кун, Миришкор туманининг Туркманистон Республикаси билан чегарадош Авазчўл қишлоғида беш, Косон туманида эса етти кун бўлиб, "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ўрганишлар олиб бордик. 60дан зиёд оғзаки ва ёзма мурожаатлар бўлди. Уларнинг айримларига жойида ечим топилган бўлса, қолган қисми асосида тегишли ташкилотларга сўровлар юборилмоқда. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Қашқадарё вилоятидан сайланган ЎзМТДП фракцияси аъзолари Ўрол Ҳайитов ва Дилфуза Жалилова билан биргаликда вилоятимизнинг ҳар бир туманида ўрганишлар олиб борилаётгани ҳам аҳолининг кундалик эҳтиёжлари, талаб ва истакларини ўрганиш, камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлаётир.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида партиянинг Шаҳрисабз шаҳар кенгаши олиб борган амалий ишлар эътиборга сазовор. Партия фаоллари шу йилнинг айни даврига қадар 200дан ортиқ хонадонда бўлиб, бир қанча муаммога ечим топишга эришди. Бу жараёнда, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Масалан, шаҳарнинг "Уймовут" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 1987 йилда туғилган Дилдора Пўлатова Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини тамомлагани, олий маълумотли бўлишига қарамай, қарйиб уч йилдан буён иш тополмаётганини айтиб, ёрдам сўраган. ЎзМТДП Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Насиба Жамолова Дилдора Пўлатовани шаҳарнинг "Боғи баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинига ишга жойлашишига кўмак берди. Ҳудуддаги "Ҳожи қишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Санобар Норбобоеванинг хонадонига борилганда, унинг ҳам ишсизлиги аниқланди ҳамда маҳалладаги "Кеш бегойим" хусусий тадбиркорлик корхонасига доимий ишга жойлаштирилди.

Эҳтиёжманд оилалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам партия фаолларининг доимий эътиборида.

— Халқимиз "Саломатлик — туман бойлик" деб бежиз айтмаган. Кишининг тану жони соғ бўлса, ҳаётдан мамнун ва рози бўлиб яшайди, — дейди Қарши тумани Бунёдкор маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ҳусан Самадов. — Анчадан буён хафақон касаллигидан азият чекаман, рафиқам Зулайҳо эса оёқ томирлари, бўғим шамоллаши билан мунтазам оғрийди. Даволаниш учун моддий имконимиз йўқлиги боис, кўзимизга баъзан дунё қоронғи бўлиб кўринарди. Ана шундай кунларда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят ҳамда Қарши туман кенгашлари ходимлари "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида хонадонимизга келганида ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Тез орада партия фаоллари саъй-ҳаракатлари билан рафиқам икковимизга Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида даволаниш учун имтиёзли йўлланма берилди. Биз партия фаолларидан миннатдормиз.

Худди шундай масалада мазкур маҳалланинг Халқобод кўчасида яшовчи фуқаролар эр-хотин Неъматжон Амиров ва Тунуғ Ражабова ҳам мурожаат қилди. Н.Амиров ҳозирга қадар уч маротаба инсульт ўтказган бўлиб, айни пайтда жисмоний меҳнат қилиш имкониятига эга эмас. Т.Ражабова эса хафақон касаллигига чалинган. ЎзМТДП кўмаги билан бу оила вакилларига ҳам Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида даволаниш учун имтиёзли йўлланма берилди.

— Асосий мақсадимиз — халқимизни ҳаётдан рози қилиш, эртанги кунга ишонч билан яшашларига эришишдан иборат, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шермамат Ражабов. — Бунда партиянинг "Уйма-уй" лойиҳасининг алоҳида ўрни бор. Мазкур лойиҳа туфайли жойларда аҳоли билан бевосита мулоқотга киришяпмиз, мавжуд муаммоларни ўрганиб, ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз. "Уйма-уй" лойиҳаси бу уйма-уй кириб юриш дегани эмас, балки фуқаролардан бўлаётган ҳар бир мурожаатга жиддий эътибор қаратиб, муаммога мутлоқ ижобий ечим топишдир. Бу йўлда барча депутат ва мутасаддилар ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, кўзланган натижага эришиш мумкин.

Лойиҳа Қамаши туманида ҳам самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Қамаши туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳодир Шодиев партия фаоллари билан ҳудуддаги "Манғит" маҳалла фуқаролар йиғинида ўрганишлар олиб борди. Аҳолидан ўнлаб мурожаат қабул қилинди. Хусусан, манғитлик Лайло Турсунова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили филологияси факультетига ўқишга киргани, лекин оилада боқувчи йўқлиги, бир онасининг моддий имкони етмаётганлиги боис тўлов шартнома пулини тўлай олмаётганини билдирди. Лайлонинг мурожаати тезда ҳал қилиниб, унга "Агробанк" Қамаши туман филиалидан имтиёзли таълим кредити олиб берилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Уйма-уй" лойиҳаси орқали аҳолини ўйлантираётган кўплаб масалаларга ижобий ечим топаяпти, — дейди манғитлик Шоҳиста Омонқулова. — Қарши давлат университетининг филология факультетини тугатиб, бир нечта таълим муассасасига мурожаат қилганимга қарамай, иш топа олмадим. Бу ҳақда ЎзМТДП фаолларига айтганимдан сўнг, улар туманимиздаги 17-умумий ўрта таълим мактабига сўров юборди. Натижада масала ижобий ҳал этилиб, айни пайтда шу мактабда ўқувчиларига она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келаяпман.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашаётгани аҳолининг партия ва депутатларга бўлган ишончини янада оширади.

Зотан, мурожаат ўзаро мулоқотга, мулоқот эса қизғин муҳокамага йўл очади, бу жамиятимизда адолат барқарорлиги таъминланишида муҳим аҳамиятга эга.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус-масала

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШОВОТ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

"Ҳамма бирдек енг шимариб, муаммолардан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олган ва унинг туб моҳиятини тушунтирганида эди, бугунги аҳвол ва рақамлар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз."

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида ана шундай деган эди. Унда, айниқса, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари сезиларли даражада ошгани, бундай ҳолатлар асосан вояга етмаган ёшлар ўртасида кузатилаётгани, ёшлар билан боғлиқ жиноятчилик камаймаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг олти ойи давомида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизида ёшлар иштироки борлиги таъкидланди. Бунинг сабабларини ўрганиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партия ташкилотлари ва улардан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳам вазифаси ҳисобланади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ёш авлод тақдири миллат келажагини белгилайди. Бу, ўз навбатида, жойларда қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда партия фаоллари ва депутатларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлаши, камарбаста бўлмоғини тақозо этади.

Хўш, бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қандай иштирок этмоқда? ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?

Таъкидлаш жоизки, баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш партиянинг асосий мақсад-вазифаларидан саналади. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда партиянинг "Хизмат — беминнат", "XXI аср аёли" каби лойиҳалари яхши самара бераётир. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг ҳудудлардаги ижроси юзасидан сессияларга ташаббус-масала, тегишли ташкилотларга сўровлар киритиб келмоқда.

Халқ депутатлари Шовот туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари яқинда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласини сессияга киритди. ЎзМТДП гуруҳи аъзолари сессияга қадар ушбу масалани танқидий-таҳлилий ўрганди.

Шовот туманида вояга етмаганлар сони айни пайтда 56 минг 558 нафарни ташкил қилади. Ҳудудда болалар мусиқа ва санъат мактаби, "Баркамол авлод" болалар маркази, ўнта маданият ва аҳоли дам олиш маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида турли тўгарак ва спорт секциялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларга асосан ёшларнинг жалб этилаётгани яхши самара бераяпти. Масалан, ўтган йили республика миқёсидаги мусобақаларда туман ёшлари жами 112 та медални қўлга киритди. Туман ёшларининг спорт соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари мақтагулик даражада. Бироқ шу йилнинг дастлабки уч ойида 50дан зиёд вояга етмаган шахс турли сабабларга кўра, ички ишлар органларига олиб келинган, уларнинг 13 нафари эса қиз болалар эканлиги кишини ўйлантиради. Шундан икки нафари вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган, икки нафарини эса ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига юбориш юзасидан вояга етмаганлар ишлари бўйича туман идораларо комиссиясига ҳужжатлар юборилган.

Тўғри, тумандаги вояга етмаганлар орасида ижтимоий жиҳатдан хавфли, назоратсиз ва қаровсиз қолганлар мавжуд эмас. Лекин бу ҳолат хотиржамликка асос бўлмаслиги керак. Шу боис туман ички ишлар бўлими ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жорий йилнинг биринчи чораги давомида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида 213 учрашув ва давра суҳбати ўтказган. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва маҳаллаларда ташкил қилинган бу тадбирларда 19 мингга яқин ёшлар қамраб олинган.

— Ҳудудимизда уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасида туманимизда олиб борилаётган ишларни ҳали талаб даражасида, деб айтолмаймиз, — дейди халқ депутатлари Шовот туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Олломов. — Ташаббус-масалани сессияга киритиш арафасидаги ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ўқувчилар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандликнинг олдини олиш, мунтазам дарс қолдираётган ўқувчиларни аниқлаш ва таълимга тортиш мақсадида ҳуқуқ тартибот идоралари, Ёшлар иттифоқи, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар туман бўлимлари билан қўшма қарор ва чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиққан бўлса-да, лекин унинг ижроси қониқарли даражада эмас, профилактик ишлар яхши ташкил этилмаган.

Ёшлар иттифоқи туман кенгаши "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасига асосан профилактик ҳисобда турган 12 нафар вояга етмаган ёшнинг 7 нафарини ёшлар марказида ташкил қилинган тиқувчилик тўгарагига жалб этган.

Туман хотин-қизлар қўмитаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, эрта никоҳ ва туғруқнинг салбий оқибатлари, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний экстремизм, ақидапарастлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Барча идора, корхона, ташкилот, ўқув муассасаси ва маҳаллада хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилоти ва "Қизларжон" клуби ташкил этилган, аммо уларга дини, миллати ва ирқидан қатъи назар 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизларнинг ихтиёрий равишда аъзо бўлиши яхши йўлга қўйилмаган.

Касб-ҳунар коллежларида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқубузарликларнинг олдини олишга қаратилган "Давомат" тадбирлари ўтказилган. Лекин ўқувчиларнинг ноқонуний четга чиқиб кетишлари, миграция масалалари, одам савдосининг мазмун-моҳияти, турли ёт оқимларга кириб кетмасликнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирларда изчиллик кузатилмайди. Зеро, вояга етмаганлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мавсумий иш бўлмай, мунтазам равишда назорат олиб боришни талаб этади.

Ушбу ўрганишлар натижалари халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши сессиясида қизғин муҳокама этилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида сессия қарори қабул қилинди. Қарорда вояга етмаганлар назорати бўйича ҳамкорликни янада кучайтириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган, меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, давоматни таъминлаш, оилаларда ўрганишлар олиб бориш, вояга етмаганларни турли тўгарак ва машғулотларга бириктириш каби бир қанча вазифалар белгиланди.

Шунингдек, туманда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, диний экстремизмга мойил бўлган ҳамда нотинч оилаларда яшаётган болалар ва ёшлар рўйхатини шакллантириш, улар билан индивидуал ишлаш, маҳаллалар кесимида психологик ёрдам кўрсатишни аниқ ва тизимли йўлга қўйиш, ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган фуқароларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой, ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишлар ташкил этилиши зарурлиги қайд қилинди. Ушбу қарор ижросининг таъминланиши вояга етмаганлар билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг ҳал этилиши, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳамдам РАЖАБОВ,
Шовот туманни Халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири:

— Келажаги учун қайғурган миллатгина ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига шароит яратади. Шу боис юртимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Бугунги сессия ҳам айни шу масалада қарор қабул қилди. Унда ўрганиш натижалари асосида қайд этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини самарали йўлга қўйиш, оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ҳуқуқий-маънавий тарғибот ишларини кучайтириш, бунда таъсирчан ва самарали усуллардан кенг фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб белгиладик. Шунингдек, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия жойларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши, яъни мослашувига кўмаклашиш масалалари ҳам доимий назоратда бўлади.

Умрбек РЎЗМЕТОВ,
ЎзМТДП Шовот туман кенгаши раиси,
Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фотоайбнома

Сўнгги йилларда матбуот орқали она-заминимиздаги ноёб тарихий меъморий, маданий-маърифий қадамжолар мамлакатимиз мустақиллиги туфайли янги қиёфа касб этаётгани, мислсиз ободончилик ишларидан аждодлар руҳи шод бўлиб, бундай даргоҳлар жозибали гўшага айланаётгани хусусида кўп ёзилмоқда. Бу — айни ҳақиқат.

САЙЙИД ОТАЛИҚ МАДРАСАСИ ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ



Шу билан бирга, ҳали олдимизда барчамиздан фидойилик ва жонбозлик талаб этадиган, ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам мавжудки, шу ҳақда тўхталсак.

Суратларда Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Саййид оталиқ мадрасасининг бугунги кўриниши тасвирланган. Ушбу меъморий ёдгорлик XVI асрда бунёд этилган. Туманнинг қоқ марказида жойлашган. Дастлаб азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган Деновда моддий-маданий мерос объектларига муносабат наҳотки шундай бўлса, деб ишонгингиз келмайди. Бироқ меъморий ёдгорлик ичига қадам босиб, мадраса ҳовлисидаги тартибсизлик, ён-атрофдаги ёқимсиз манзарадан дилингиз хира тортади. Ачинарлиси, айни кунда абгор ҳолатга келиб қолган мадрасанинг биринчи қаватидаги ҳужралар тадбиркорларга берилган ва улар асосан омборхона, ошхона ва ётоқхона вазифасини ўтаётгани таассуфланарлидир.

Хожа Алоуддин Атторнинг фарзандлари-ю набиралари 26 йил давомида барпо қилган ушбу мадраса шундай абгор аҳволга тушганини наҳотки, туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳаллий Кенгаш депутатлари кўрмаган, билмаган бўлса?! Ҳолбуки, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколат доирасида ўз ҳудудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлаши ҳамда уларни ҳисобга олиши, муҳофаза қилиши, асраши ва улардан фойдаланиши, бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тадбирларини ўтказишга жалб этиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Таҳририят ушбу мавзуга яна қайтади.

Кўргазма

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕТАКРОР СОВҒАЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ САЙИЛГОҲ КЎЧАСИДА "ЎЗБЕКИСТОН СОВҒАЛАРИ" БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМА-САВДОСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Юртимизда уста ва ҳунармандларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароитлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Уларга микрокредитлар ажратиш, турли хорижий давлатларда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, танлов ва фестивалларда намойиш этиш учун миллий ҳунармандлик маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқилишини соддалаштириш, маҳсулотларни ички бозорда реализация қилиш учун яқиндан кўмаклашиш борасида кўплаб амалий чора-тадбирлар ҳаётга кенг жорий этилмоқда. Натижада асрий анъаналаримизни давом эттирувчи ҳунармандлар сафи кун сайин ортмоқда.

Бу Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ташаббуси билан шу йилнинг 22-23 сентябрь кунлари пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида ўтказилган "Ўзбекистон совғалари" — биринчи республика кўргазма-савдосида ҳам яна бир бор яққол намоён бўлди.

Мазкур ижодий лойиҳа Республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан Савдо-саноат палатаси, Маданият, Халқ таълими, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари, Бадиий академия, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазма-савдонинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев, Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, "Ҳунарманд" уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев мамлакатимизда миллий ҳунармандлик анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқ усталарининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. "Ўзбекистон совғалари" кўргазма-савдоси миллий ҳунармандликни ривожлантириш, усталар томонидан ранг-баранг ёдгорлик буюмларини ишлаб чиқаришни янада кенгроқ йўлга қўйиш, заминимизга келаётган сайёҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлақонли ўрганиш, устоз-шогирд мактаби анъаналарини ривожлантирган ҳолда янги иш ўринларини барпо этишни кўзлаши билан эътиборга молик.

Эрта тонгдан бошланган кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган юздан зиёд ҳунарманд усталар ўзларининг маҳсулотлари билан иштирок этди. Улар қўл меҳнати билан яратилган ҳар бир буюмда халқимизнинг миллий анъана, қадрият ва урф-одатлари акс этган.

Кўргазма-савдога келганлар ҳунармандларнинг маҳорат дарсларини бевосита кузатиш ва маҳсулот тайёрлаш жараёнида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Кимдир лойдан ўз қўли билан кўза ясаган бўлса, бошқалари ипакдан мато тўқишди, дўппига нақш беришди, ёғочдан буюмлар ясашди. Бундан ташқари, дорбоз ўйинлари, кураш мусобақалари, ўзбек жанг санъати бўйича спортчиларнинг чиқиши, миллий урф-одатлар намойиши, қўғирчоқбозларнинг қизиқарли томошалари, фольклор жамоаларининг қўшиқлари, миллий либос ва тақинчоқлар дефилеси, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш жараёни ташкил этилди.

— Мен 18 йилдан буён каштачилик билан шуғулланаман, — дейди ҳунарманд Мадина Қосимбоева. — Юртимизда ҳунармандчиликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳатто хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазмаларда ҳам иштирок этиш имкониятига эга бўляпмиз. Хорижликлар бизнинг фаолиятимиз билан қизиқиб, маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришдан тортиб, то харидорга етказиб бергунимизгача бўлган жараён ҳақида сўрашади. Биз уларга солиқлардан озод қилинганимиз, маҳсулотларимизни сотишда давлат томонидан зарур ёрдам кўрсатилаётгани, тез-тез кўргазма-савдолар ташкил қилинишини бажонидил сўзлаб берамиз. Бундай имконият ва шароитлар бизга рағбат, ишимизга унум беради. 2016 йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгалладим. Бугуни кўргазмада ўзим ва шогирдларим тайёрлаган маҳсулотларни намойиш қилаяпмиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган халқ амалий санъати маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, юксак эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, қадимги бадиий-ҳунармандлик мактабларининг анъаналарини сақлаб қолиш, устоз-шогирд анъаналари бардавомлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандлик, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган.

— Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари халқимиз маънавиятининг ажралмас бўлаги саналади, — дейди ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши раиси Гулнора Ваҳобова. — Шу боис партиямиз халқ амалий санъатини ривожлантириш, ҳунармандларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш борасида бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ҳунармандчилик билан шуғулланмоқчи бўлган, лекин моддий ва ҳуқуқий кўмакка муҳтож аҳоли вакилларининг мурожаатларига мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ечим топилмоқда. Уларга маҳсулотларини турли кўргазма, савдо-ярмаркаларида намойиш этишлари учун зарур иконяятлар яратиб берилаётир. Бугунги кўргазмада улар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси ҳунармандларимизни қўллаб қувватлаш, улар яратган санъат асарларини кенг оммага намойиш этиш билан бирга туризмни ривожлантириш, юртимизнинг халқаро майдондаги имижини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Буни икки кун давомида маҳаллий аҳолига 320 миллион сўмлик, хорижий сайёҳларга юз минг долларлик ҳунармандчилик буюмлари сотилганида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Ўзбекистонга келганимга икки кун бўлди, — дейди австралиялик сайёҳ Диана Тейлор. — Саёҳатим давомида миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилган "Ўзбекистон совғалари" кўзгазмасида иштирок этиш имкониятига эга бўлдим. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий анъаналари, турмуш тарзи, куй-қўшиқлари мавжуд. Бугунги кўргазмада миллатингиз урф-одатлари, анъаналарининг бир жойда жам бўлганини кўрдим. Бошқа юртларда ҳам кўп бўлганман. Лекин бундай манзарани камдан-кам учратганман. Агар хорижий мамлакатларида ҳам ўзбек амалий санъати маҳсулотлари дўконлари фаолияти йўлга қўйилса, яхши бўлар эди. Чунки ҳунармандларингиз тайёрлаган буюмларнинг сифати жуда юқори. Яқинларимга совға қилиш учун кашта қўшиб тикилган сумкачалардан сотиб олдим. Бу совғам уларга жуда ёқади ва улар ҳам Ўзбекистонга саёҳат қилади, деб умид қиламан.

Кўргазма чин маънода санъат, миллий анъана ва қадриятлар, меҳмондўстлик байрамига айланиб кетди. Унинг доирасида миллий қадриятларимизни намойиш этувчи маҳорат дарслари, ижодий мулоқотлар, фольклор жамоаларнинг мусиқий дастурлари ташкил этилди. Тадбир якунида турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган ҳунармандларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Уйимизда бувим ва ойим кашта тикади, — дейди "Энг ёш ҳунарманд" номинацияси ғолиби 19 ёшли Вазирабону Атоева. — Уларга қизиқиб мен ҳам етти ёшимдан каштачиликни бошлаганман. Касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг банкдан кредит олиб ушбу йўналишда тадбиркорлик қила бошладим. "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлганимга бугун роппа-роса бир йил бўлди. Шу вақт мобайнида уюшма томонидан ўтказилган турли кўргазмаларда иштирок этиб, 40дан ортиқ диплом ва сертификатни қўлга киритдим. "Ўзбекистон совғалари" биринчи республика кўргазма-савдоси биз каби ҳунармандлар учун янги имкониятлар ва ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш учун майдонидир.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Замонамиз зиёлиси

ЗИЁЛИ ОДАМ: У КИМ ВА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Илм эгалари, олимлар ҳам шу сўз билан шарафланади. Халқимиз ўзининг намунали туриш-турмуши билан ажралиб турадиган, яшаш тарзи билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган, айниқса, фикр-мулоҳазаларидаги теранлик, зукколик билан назарга тушган, ўзаро мулоқотларда босиқ, ҳозиржавоб ва донишмандлик кўрсатган кишиларга нисбатан ҳам "зиёли" сўзини қўллайди. Қолаверса, бу сўзда қандайдир майинлик ва нур, эҳтимолки, нурафшонлик ҳам бордек...

Бу сўзга боғлиқ ҳолда кишининг кўз ўнгида оғир-вазмин, босиқ, юзидан нур ёғилиб турадиган, мулоҳазакор, донолиги ўзига ярашиб турадиган, бошқаларнинг, кўпчиликнинг дардини ҳис этиш баробарида унга малҳам бўлишни ҳам уддасидан чиқа оладиган, энг муҳими, фикр-мулоҳазаларини бошқаларга содда, самимий ва тушунарли қилиб етказиб беришни уддалайдиган сиймолар келади.

Тўғри, зиёлиликнинг ҳам даражалари бор. Бу эҳтимол, қисман кишининг ёшига, қисман у эгаллаб турган мавқе ва лавозимга, қисман унинг машғулоти, касб-корига боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин уларнинг барчасидаги асосий хусусият инсонийлик ва инсонпарварликдир. Шу жиҳатига эътибор бериладиган бўлса, зиёли ҳар қандай замонда жамият учун ниҳоятда зарур ва керакли шахсдир.

Бугунги глобаллашув жараёнида миллий қадриятларга катта эҳтиёж сезилиб қоляпти. Мафкуравий хуружлар *умуминсоний ғоялар, "оммавий маданият", ривожланган мамлакатлар тажрибаси, хориждаги ўзига хосликлар* деган ниқобларга пардаланган ҳолда юз кўрсатаётгани ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг маънавиятига салбий таъсир қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Айнан мана шундай жараёнларда зиёли шахсига бўлган эҳтиёж ва заруриятнинг янада ортиб бораётганини ҳам эътироф этмоқ керак.

Албатта, *зиёли* ва *зиёлинамо* кишилар ажралиб туради. Шунга қарамай, айрим ҳолатларни эса олиш ҳам зарар қилмайди. Зеро, ўринли такрорлар мудроқ туйғуларнинг қайта кўз очишига, сергакланишига муносиб туртки бўлиши мумкин.

Зиёли инсоннинг қиёфасида айрим аломатлар бўлади: бунинг биринчи белгиси (истара) ёқимлиликдир. Биз кўчада ҳар куни ўнлаб, юзлаб ва балки минглаб кишиларни учратамиз. Уларнинг аксарият қисмига деярли эътибор бермаймиз. Ўзимизнинг кундалик ўй-режаларимиз ҳар доим ҳам ҳаммани кўриш ёки кузатиш имконини беравермайди. Қолаверса, бунга жиддий заруриятнинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Аммо уларнинг бир қисми, ҳеч қачон учрашмаган, ҳаётимизда илк марта дуч келиб турган бўлишимизга қарамасдан эътиборимизни тортади. Ва ўзимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда уларга баҳо берамиз: "яхши" ва "ёмон"га ажратамиз. "Яхши" белгиси остида келишган, чиройли, ёқимли, хушбичим, сергак, ўзига тортадиган, кўзидан донолиги билиниб турадиган; "ёмон" белгиси остида қўпол, бесўнақай, анқов, пала-партиш ва бошқа аломатлар асос бўлади. Аммо буларнинг барчаси ташқи кўринишлар, холос.

Ҳақиқий зиёли кишиниг қиёфасигина эмас, балки бутун туриш-турмуши, хулқ-атвори, айтар сўзи ва бажараётган иши ҳам ёқимли бўлади. Ҳақиқий зиёли кишининг кийим нуқтаи назаридан қаралганда ҳам бошқалардан ажралиб туришга интилиши ҳеч қачон сезилмайди. (Аммо уларнинг ўзига ярашадиган, мос ва муносиб кийинишларини ҳам тан олмаслик инсофдан эмас). Зиёли оддий ва камтарона ҳаёт йўлини танлайди.

Абдураҳмон Жомийда шундай хислат жуда ёрқин тарзда кўзга ташланиб турар экан. Бу ҳақда Алишер Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида шундай дейди: "*Аларнинг камолоти овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб* (босиб келиб) *муборак суҳбатларига мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб* (суҳбатдошлар) *орасида ғояти бетаайёнликдин* (алоҳида белгига эга бўлмагани учун, ошкор қилмагани сабабли) *мутлақо танимаслар эдиким, ўлтурур-қўпар* (ўтириш-туриш)*да ва айтмоқу эшитмоқ ва емоқу кийимоқда ўзлари била сойир мулозимлари* (келган меҳмонлар) *орасида тафовут йўқ эрди*".

Навоий бунинг талқинини илм ва донишмандлик билан боғлайди. Назаримизда шу ҳукм кўп жиҳатдан ўзини оқлайди. Биз академиклар Алибек Рустамов, Азиз Қаюмов, Ботурхон Валихўжаев, педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зununнов сингари йирик олимлар тимсолида айни мана шу андозаларга мунтазам мосликни кўрганмиз. Замондошларимиз орасида ҳам шундай кишилар — зиёлилар оз эмас. Ёзувчи ва шоирларимиз, умуман, ижодкорларнинг асосий қисми ҳам мана шу фазилатлар билан зийнатланган.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган "Авесто"да инсон нима учун яралган, бунинг асл моҳияти нимада, деган савол қўйилган ва унга ўзига хос жавоблар берилган. Булар орасида устувор мавқе илм ва зиёга берилади. Айни мана шу хислат эгаларида эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал мужассамлашишига ишонч билдирилади.

Авесто таъсирида кейинчалик жуда кўплаб асарлар, жумладан, андарзлар юзага келган. Андарз — панд, ўгит дегани. Демак, уларни бугунги тилимиз билан ўгитномалар дейишимиз мумкин. Улардан бирида бу ҳақда шундай дейилган: *"15 ёшга кирган ҳар бир киши қуйидагиларни билиши лозим: Менинг ўзим кимман? Кимга мансубман? Қаердан келдим ва қаерга қайтаман? Менинг бу дунёдаги бурчим нимада ва у дунёда мени қандай ажр кутади? Мен руҳият оламидан пайдо бўлдимми ёки шу [моддий] дунёданми? Мен Ҳурмузга мансубманми ёки Ахриманга...? Солиҳларгами ёки осийларгами?.. Менинг йўлим қайси? Менга нима фойда, нима зарар келтиради? Менинг дўстим ким, душманим-чи...? Кимдан эзгулик чиқади, кимдан ёмонлик, кимдан ёруғлик келади, кимдан зулмат? Кимдан хушбўйликлар таралади, кимдан бадбўйликлар, кимдан адолат юзага келади, кимдан зулм? Кимдан меҳр-шафқат ёғилади, кимдан қаҳру-ғазаб?"*

Агар қўйилаётган саволлар моҳиятига эътибор берилса, 15 ёшли болага нисбатан талабларнинг нақадар салмоқли ва жиддийлигини ҳис этиш мумкин. Қиёс учун бир мисол келтирайлик. Айни саволларнинг бир қисми Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари (XI аср) қаҳрамонларидан бирининг тилида ҳам учрайди:

Неку ул тиригликки, неку ул ўлум?
Қайудин келурмен, қайуқа йўлум?
(Нима у тириклик, нимадир ўлим?
Қаердан келарман, қаёнга йўлим?)

Бу савол асардаги энг фаол қаҳрамонлардан бири бўлган Ойтўлдининг қариган чоғи — вафоти арафаси билан боғлиқ. Демак, инсон неча ёшда бўлишидан қатъи назар оламга, ўзгаларга ва ўзига жиддий танқидий кўз билан қарай олиши лозим. Бундай қарашлар ичида яшаётган шахс эса ҳеч кимга ҳеч қачон бепарво бўла олмайди. Юсуф Хос Ҳожиб бутун инсониятни икки гуруҳга ажратади: уларнинг бир қисми ўргатувчиларга, иккинчи қисми эса ўрганувчиларга мансуб. Аммо бу мансублик ўзгармас ва қотиб қолган нарса эмас. У ҳар лаҳзада ўзгариши мумкин. Ҳозир ўргатувчи бўлган томон сал кейин ўрганувчи бўлиши ва ўрганиш маромида турганлар ўргатувчиларга айланиши бор гап. Фақат бу макон, замон ва шароитга чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Инсон мана шу алмашиб турувчи ролларни бажариш учун ҳар доим тайёрми? Бу саволга ижобий жавоб берганлар ўзини зиёли номига мос, деб билиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсон ўз табиатига мос ва муносиб бўлиши учун умрининг охирига қадар ўқиб-ўрганишдан чекинмаслиги лозим. Зеро, Ҳадиси шарифдаги "Бешикдан қабргача илм ўрган" ҳикмати ҳам айни шу фикрни тасдиқлайди.

Ҳар қандай инсон — мўъжиза. Унинг мўъжизалиги сиру синоатларга тўлалиги билан изоҳланади. Бу фикр ранг-баранг шаклларда энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозиргача жаҳон илм-фан эгалари томонидан кўп марта такрорланган. Зиёли нафақат билимдон бўлиши, балки бошқаларга ҳам таъсир ўтказиши керак. Акс ҳолда унинг зиёлилиги маълум ҳам, маъқул ҳам бўлмай қолади.

Зиёлининг эл-юрт, умуман, жамоатчилик орасидаги обрўси унинг амали (Юсуф Хос Ҳожиб уни "қилинч" деб атайди), аниқроғи сўзи ва ишининг бирлиги туфайли ҳосил бўлади:

Эт-ўзлуг кишика кераки бу-ул
Бириси тилин сўз, бириси кўнгул
Кўнгул тил тўрутти кўнгул сўз учун
Сўзи эгри бўлса куяр ул кучун.

(Тани ва жони бор (яъни тирик) одам учун керакли нарсалар шулардир: уларнинг бири тил, бошқа бири эса кўнгил. Кўнгил ва тил(ни) [худо] яратган, (кимнинг) сўзи эгри бўлса, у куйишга (қийналишга) мажбур бўлади).

Мана шу кўнгил ва тил бирлиги зиёлини бошқалардан ажратиб туради. Натижа эса ҳамма нарсани ҳал қилади. Бу ерда яна битта айирма рўпара келади: айримлар донишманд ва тажрибали бўлиши мумкин. Аммо бу фазилатлар уларнинг ўзлари учунгина хизмат қилади, холос. Ҳақиқий зиёли ўзи билган, ўрганган нарсаларини бошқалар билан баҳам кўриши, аниқроғи, билган, ўрганган яхши фазилат ва тажрибаларини беришгина эмас, ўзи англаб етган қусур ва нотўғриликлардан бошқаларни ҳам огоҳлантириш, асраш, сақлаш, ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилади.

Зиёлининг яна бир белгиси: бундай одамда ғурур ва ҳамият бўлади. Шунинг учун ҳам у ҳар кимнинг олдига эгилиб боришни ўзи учун ор ва номус деб билади. Аммо бу ҳақда бошқаларга гапириб ўтирмайди. Бунинг ёрқин мисолини Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да гўзал бир ҳикоя тарзида кўрсатиб берган. Унга "Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ аро ҳамомда ошнолиқ шамъи ёруғони ва имом сўзидин султоннинг истиғнодин илик юғони" деб сарлавҳа қўйилган. Имом Фахр Розий аслида:

Зумраи роз аҳлиға маснад нишин,
Даҳр имомул-умами фахри дин —
Қилди чу Хоразмни оромгоҳ.
Кўрмагига келмади Хоразмшоҳ.
Сўрғали ул чунки қадам қўймади,
Илм шукуҳи муни ҳам қўймади.

*(Сирларни билувчилар жамоасининг сардори, замон имомларининг имоми, диннинг фахри (*бу ерда сўз ўйини мавжуд: *уни ҳам диннинг фахри, ҳам Фахриддин* (киши номи дея талқин қилиш мумкин) *Хоразмга келади. Унинг зиёрати учун ҳамма кела бошлайди. Биргина Хоразмшоҳ келмайди. Бунга унинг шоҳлик кибри ҳалақит беради. Илм билан сарбаландлик туфайли Фахриддин Розий ҳам шоҳ зиёратига ўтмайди).*

Шоҳ гарчи кейинчалик қилган ишидан пушаймон бўлиб, ўзини уятли ҳисобласа-да, шайх, барибир, унга илтифот кўрсатмайди. Кутилмаганда улар ҳаммомда учрашиб қолишади. Подшо ундан охират аломатлари ва ҳар бир кишининг қандай ҳолда бўлишини сўрайди. Имом унга шундай жавоб беради:

Ким сангаким ҳашр сўзи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.
Анда гадо шаҳ била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо борчаси урён бўлуб.
Жоҳу жалол аҳли санингдек бори,
Ичкарию бору йўқи ташқори.
Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳар не йиғиб ҳамраҳ этиб вассалом.
Йўқ санга султонлик ила суд кўп,
Лек манга илм ила беҳбуд кўп.

(Яъни, охиратнинг моҳиятини билиш мақсадинг бўлса, билгинки, у мана шу ҳаммомга ўхшайди. Унда гадо шоҳ билан тенг бўлади, шоҳ ҳам, гадо ҳам кийимсиз — ҳеч нарсасиз бўлишади. Бойлик ва давлат эгалари ўзларидаги бор нарсани ташқарида қолдириб, гўё сен каби ичкарига киришади. Илм ва амал аҳли эса барча йиққанларини мен каби ўзи билан бирга олиб киради. (Шунинг учун) сенга султонликда фойда кўп эмас, аммо мен учун илм туфайли эзгуликлар кўп бўлади).

Ушбу парчада, илм эгаларининг, зиёлиларнинг яна бир жиҳати кўрсатиб ўтилган. У ҳар қандай ҳолатда бошқаларга ёрдам бериш, уларга тўғри йўл кўрсатишдан иборат.

Юсуф Хос Ҳожиб назарида билимли ва тажрибали кишиларнинг бошқалардан ажралиб турадиган асосий белгиларидан бири ҳам ўзи билган ва ўрганган билим, кўникма ва малакаларини бошқаларга етказиш иштиёқига эгалиқдадир. Яъни ҳақиқий инсонлик бошқаларга наф ва фойда етказиш билан белгиланади.

Юқорида айтилганидек, зиёли одамнинг бош белгиси билим, илм-фан, ҳаётий тажриба билан боғлиқ. Юсуф Хос Ҳожиб уларни *"Билиглиг, уқушлуғ, хиради тўлу" (билимли, заковатли, ақли етук)"* деб таърифлайди. Бу ерда билимдан ташқари, "уқуш" сўзи ҳам иштирок этган. Бу сўз қадимги туркий обидаларда *уқув-идрок, фаросат, зеҳн* маъноларида келади.

Қадимги шарқ файласуфларидан бири шундай деган экан: *"Нодон билан дононинг ўртасида кичик ўхшашлик ва жуда катта айирма бор. Зеро, ҳар қандай доно ҳам қачонлардир нодон бўлган, аммо бирорта нодон олдин доно бўлган эмас"*. Бошқаларнинг устидан кулиш, ошкора мазах қилишга мойиллик, танбаллик, қўрслик, асоссиз кибру такаббур нодон ва жоҳил кимсаларга хос белгилар саналади. Булар зиёлилар учун мутлақо бегонадир.

Зиёлилик илм ва маданият, тажриба ва оламга соғлом назар билан қарашнинг мужассамлашган бир ҳолати. Унинг асосий кучи яхши билан ёмонни, ижобий билан салбийни, эзгулик билан ёвузликни, гўзаллик билан хунукликни бехато ажратишда, аниқ кўришда ва таъсирли кўрсатиб беришда намоён бўлади. Қадимги паҳлавий ёдномаларида қайд этилганидай, *"Зеро, барча бошқа нарсаларни ҳисоблаб бўлмайди: фикр ҳис этилмайди (уни кўриб бўлмайди), амални эса кўриш, кузатиш мумкин. Шунинг учун кишилар амалларига кўра баҳоланади. Зеро, инсон танасида ҳам уч йўл мавжуд: бу уч йўлда уч эзгу фаришталарнинг манзили бор. Бу уч фаришта — йўл: фикр йўлида Эзгу фикр маскан тутган. Унга Адоват қарши туради. Сўз йўлида Ақл манзили бор. Унга шаҳвоний нафс йўли қарши туради. Амал йўлида Эзгу руҳ маскан қилган. Унга Ёвуз руҳ йўли қарши туради. Кишилар бу уч йўлда собит туришсин. Мол-мулк, бойлик ҳамда дунёвий орзу-ҳаваслар деб илоҳий ажрим борасидаги фикрлардан чекланмасинлар. Зеро, бу ҳақда юқорида гапирганим уч посбони бўлган одамнинг ақлини ёвуз фикрлардан, нутқини нолойиқ сўзлардан, амалини ёвуз хатти-ҳаракатлардан шу посбонлар асрайди"* (таржима бизники —Б.Т.).

Алишер Навоий "Садди Искандарий"да "зиё"нинг ўзига хос талқинини беради. Унга кўра, зиё очиқ кўз, ҳушёрлик, огоҳлик билан йўлни йўқотиш, адашиш ва йўлсизлик ўртасидаги айирмани кўрсатиб беради. Худди шунинг учун ҳам "залолат туни"ни ёритиш учун пайғамбарлар юборилган:

Агар бўлса баъзиға огоҳлиғ,
Бўлуб лек кўпракка гумроҳлиғ.
Солурға залолат тунига зиё,
Алар ичра ирсол этиб анбиё.

Буларнинг барчаси зиёлиликнинг туғма хусусият эмаслигини, демакки, уни тарбиялаб ҳосил қилиш, ривожлантириш ва камолот пиллапояларидан олиб ўтиш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Аммо афсуски, йиллар давомида бирор марта ҳам ёзувчи ё шоир остонасидан ҳатлаб ичкарига кирмаган таълим муассалари оз эмас. Ёзувчи ва шоирлар билан учрашув ёки суҳбатларнинг эса асосан фақат тил ва адабиёт, журналистика, санъат соҳасидаги ўқув юртлари ёки факультетлари талабаларигагина насиб этиб келаётганини ҳам тан олишга тўғри келади. Ҳолбуки, зиёли ижодкорлар билан учрашувнинг ўзи бир байрам. Улардаги миллий-маънавий қадриятларнинг ўзбекона талқини ва ифодаларидаги бетакрорлик бола қалбидаги ҳайратга куч бағишлайди, уларнинг дунёқараши кенгайиши, тафаккури ўсишига амалий ёрдам беради, ҳиссиётларининг қадимий ва навқирон тилимиз воситасида янада бойиши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Мавриди келганда, айрим таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришга журъат этдик.

Инсон маънавиятининг асосий қисми ўзининг кўрган-кечирганлари, ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган воқеа-ҳодисалардан олган таассурот ва хулосаларига боғлиқ. Шу боис бола шахсининг илк ғўдаклигидан унинг мутахассис бўлиб етишигача бўлган давр оралиғидаги вақтни бўшлиқ ҳосил қилмайдиган даражада муносиб равишда ташкил этишни жиддий ўйлаб кўриш керак. Бу жараёнда ўзининг шахсий ҳаёти, яшаш ва фикрлаш тарзи, туриш-турмуши, амалий фаолияти билан бошқаларга ўрнак, ибрат бўлувчи шахслар иштирокида мулоқот, учрашувлар ўтказиш яхши натижа беради.

Президентимиз танқид қилган ахлоқий-маънавий тарбия борасидаги "тадбирбозлик" касалидан тезроқ қутилиб, ўсиб келаётган авлоднинг онгу шуурига ижобий таъсир ўтказадиган, дунёқарашини бойитадиган, улар учун ибрат намунаси вазифасини адо этадиган сермазмун учрашувлар, соатлар, кечалар, тавсияларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Халқимиз бежиз "Экин сув билан ўсади, бола тарбия билан" демаган.

Адабиёт, бадиий ижод — улкан тарбия воситаси эканлигини назарда тутиб, умумий ўрта таълим мактабларида синфлар кесимида "Бобокалонларимиз сабоқлари" номи остида Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа мумтоз адибларимиз асарларида мужассамлашган юксак инсоний фазилатлар тараннумига бағишланган асарлар мутолаасини (аввал факультатив дарслар, амалиёт синовидан ўтганидан кейин ўқув режасидаги фанлар қаторида) ташкил этиш, барча олий ўқув юртида "Навоийшунослик асослари" номи билан буюк мутафаккир асарларида жамланган ахлоқий-таълимий муаммоларнинг бадиий талқинларини ўрганишга оид махсус дарсларни йўлга қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан таълим муассасалари ҳамкорлигида "Яхши асар қандай яратилади?", "Бир асар тарихи", "Бир қаҳрамон талқини ва танқиди", "Янги асар тақдимоти", "Асрнинг энг яхши асари", "Адибнинг энг яхши китоби", "Болаларнинг севимли шоири (адиби)", "Ўқиган китобларимнинг энг яхшиси" сингари ранг-баранг мавзу ҳамда шакларда суҳбат, учрашув, танлов ва кечаларни уюштириш, ижодкор ўқувчилар қаламига мансуб асарлар муҳокамаси ва муносиб кўрилганларининг мутолаасини ташкил этиш, таълим муассасидаги тўгараклар фаолиятини жонлантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда қалб меъморлари бўлган ижод аҳлининг ўзига хос ўрни, сўзнинг, эзгу даъватнинг беқиёс таъсирини эътиборга олиб, пойтахтимиз ва вилоят марказларидаги таълим муассасаларида ўқувчилар ҳафтасига, туманларда эса ҳар ойда бир марта зиёли инсонлар билан бевосита мулоқот қилиш, ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлса, ўйлаймизки, бунинг маърифий аҳамияти ғоят катта — ўғил-қизларимиз ҳаётида муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Тадбир

Мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда аҳолининг дам олишини мазмунли ташкил этишда музейларнинг ролини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

МУЗЕЙЛАРНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Маданият вазирлигида музейлар фаолиятида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланган тадбирда шу хусусда сўз борди.

Унда таъкидланишича, республикамизда 350дан ортиқ музей ва музей фаолияти билан боғлиқ кўргазма муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг 102 таси давлат музейлари ҳисобланади. Шундан 43 таси йирик музейлар, шу жумладан, 3 та музей-қўриқхона ва уларнинг 59 та бўлим ва филиаллари мавжуд.

Юртимизда таҳлил натижалари ҳамда халқаро тажрибаларни чуқур ўрганган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги "2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан 2018 йилдан фаолияти тугатиладиган давлат музейлари рўйхати шакллантирилган. Унга кўра, республикада 33 музей фаолияти тугатилиши белгиланган.

Маданият вазирлиги тизимида 92 музей мавжуд бўлиб, шундан 11 таси инвестиция дастури доирасида реконструкция қилишга киритилган.

Тадбирда музейлардаги ашёларнинг электрон каталогини яратиш, кўргазма фаолияти, бунда ускуналар ва витриналарга бўлган эҳтиёж, илмий иш ва лойиҳалар, сайтлар яратиш, мавжудларини такомиллаштириш ва аудиогидларни ўрнатиш сингари масалаларда музей раҳбарлари ахбороти тингланди.

— Бундан икки йил олдин музейимизда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганди, — деди Термиз археология музейи директори Умид Худойбердиев. — Замонавий қиёфа касб этган музейнинг асосий фондидаги экспонатлар сони 101 мингдан ортиқни ташкил этади. Улардан 140 таси археологияга, 180 таси нумизматикага оид бўлиб, бу барча ташриф буюрувчиларни, жумладан, хорижлик сайёҳларнинг ҳам қизиқишини орттирмоқда. Японияннинг Рисшо ҳамда Чехия Республикасининг Корлова университети билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбек-Чехия экспедицияси ходимлари томонидан 2017 йилги тадқиқотлар натижасида топилган 60 та экспонат музейимиз фондига топширилди. Ушбу анжуманда муҳокама қилинган мавзулар, таклиф ва мулоҳазалар бу борадаги ишлар самарадорлигини оширади.

Тадбирда музейларни замон талабига мос, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрларнинг билим ва маҳоратини юксалтириш, ашёларни сақлашда илғор технологияларни кенг жорий этиш, ёш авлодни музейларга жалб этишга оид маърифий лойиҳаларни кенгайтириш тўғрисида фикр алмашилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА ТАҚДИМОТИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши томонидан "Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси (назарий ва амалий асослари)" номли қўлланма тақдимоти бўлиб ўтди.



Унда "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари ходимлари, Мудофаа вазирлигининг масъул ходимлари ва вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳамкор вазирлик, ташкилот ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда таъкидланганидек, "Ватанпарвар" ташкилоти давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мамлакатимиз фуқаролари, жумладан, ёшларда ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат туйғусини, мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилишдек юксак туйғуларни шакллантиришга қаратилган турли маънавий-маърифий тадбирлар, ёшлар фестиваллари ва танловлар ташкил этиб келмоқда. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши раиси ўринбосари, "Ватанпарвар" ташкилоти кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази директори Мажид Умаров ва марказ директори ўринбосари Саидқосим Усмонов муаллифлигида тайёрланган ушбу қўлланма ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш йўналишидаги тадбирларни ташкил этишда ҳам назарий, ҳам амалий асос вазифасини бажаради.

— Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси умумий тарбиянинг муҳим таркибий қисми саналади, — дейди қўлланма ҳаммуаллифи Мажид Умаров. — Ушбу қўлланма ёшларда она Ватанни ҳимоя қилиш каби муқаддас бурчга тайёр бўлиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган. Унда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг назарий, методологик, психологик асослари, мақсади, мазмун-моҳияти, вазифаси ва ривожланиш истиқболлари кенг ёритиб берилган.

Тақдимот давомида қўлланмага оид фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
39 (523) 2018 йил 26 сентябрь, чоршанба

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Баркамол авлодни тарбиялашдек ғоят муҳим ва долзарб вазифани сидқидилдан бажариб келаётган халқ таълими тизими ходимларини, илму маърифат фидойилари ва устозларни

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

билан самимий қутлайди.

Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, бахту саодат, эзгу ишларингизда янгидан-янги ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Маҳсулот сертификатланган.

Бизнинг шарх

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН:

АНЪАНАЛАР, МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР МУШТАРАК

Ўзбек ва қиргиз халқи азалдан яқин қўшни, қуда-анда, ишончли дўст бўлиб яшаган. Маданияти, урф-одати ва тутумларининг уйғунлиги эса бу ришталарнинг мустаҳкам бўлишига хизмат қилиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор халқларимизнинг асрлар давомида синовдан ўтган ана шу муносабатини янги босқичда юксалтиришга хизмат қилмоқда...

Марказий Осиёда жойлашган Қирғизистон Республикасининг ҳудуди 199 минг 951 квадрат километрни ташкил қилади. 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли сони 6 миллион 140 мингдан зиёдроқ. 80дан ортиқ миллат ва элат вакиллари орасида энг кўпи қирғизлар — 66,9, ўзбеклар — 14,14, руслар — 10,65 фоизни ташкил этади. Аҳолининг катта қисми, яъни ярмидан кўпроғи (52 фоиз) республиканинг жанубида жойлашган маъмурий ҳудудлар — Ўш, Жалолобод, Боткен вилоятларида истиқомат қилади.

Мамлакат шимолда Қозоғистон, шарқда Хитой, жанубда Тожикистон, ғарбда Ўзбекистон билан чегарадош. Пойтахти — Бишкек. 7 вилоят ва 31 та, жумладан, иккита республика аҳамиятига эга шаҳар (Бишкек ва Ўш)дан, 44 тумандан таркиб топган. Иқтисодий-жуғрофий жиҳатдан Марказий, Шимолий ва Жанубий минтақаларга бўлинган. Қирғизистон тўғридан-тўғри денгизга чиқа олмайди. Майдонининг тўртдан уч қисми тоғли ҳудуддан иборат.

Музликлар нафақат Қирғизистон, балки бутун Марказий Осиё республикаларининг асосий чучук сув заҳираси ҳисобланади. Республиканинг 8 минг километр квадратга яқини музлик, 4 фоизи абадий қорлик бўлиб, жами мамлакат ҳудудининг 40,5 фоизи (81 минг километр квадрати) ни эгаллайди. Умумий ҳудуднинг 5,61 фоизи ўрмонлардан иборат.

Қирғизистон суверен, демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат. Янги Конституцияда унинг бошқарув шакли белгилаб қўйилган. Расмий баёнотларда парламент бошқарувидаги давлат экани таъкидланади. Бошқарув де–факто, парламент-президентлик шаклида амалга оширилади.

Президент яширин овоз бериш йўли билан фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри умумхалқ овоз бериш орқали сайланади. Президентнинг ваколати 6 йил бўлиб, бир шахс икки муддат президент этиб сайлана олмайди. Ижроия ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи орган бир палатали Жоғорку Кенеш (Олий Кенгаш) бўлиб, унда 120 нафар депутат фаолият юритади. Қирғизистонда 1991 йилдан бери кўп партиявийлик тизими мавжуд. 2018 йил бошида республикада 229 сиёсий партия рўйхатга олингани маълум қилинган эди. 2015 йилда бўлиб ўтган парламент сайловидан кейин Жоғорку Кенешга 6 та сиёсий партия вакиллари сайланди. Сиёсий партиялардан ташқари Қирғизистонда кўплаб ноҳукумат жамоат ташкилотлари ҳам фаолият юритади.

1990 йилда республикада атиги тўққизта олий таълим даргоҳи бўлган бўлса, мустақиллик йилларида уларнинг сони 52 тага етди, шундан 36 таси давлат секторига тўғри келади.

Таҳлилчилар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига юксак баҳо бермоқда. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида расмий муносабатлар, дипломатик алоқалар халқларимиз демократик давлат қуриш йўлига эндигина қадам қўйган даврда — 1993 йил 16 февраль куни ўрнатилган. 1996 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик шартномаси имзоланди.

Асрлар давомида шакилланган қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродорлик ўтган йиллар мобайнида давр синовидан ўтди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва тенгликка аоссосланган. Халқаро майдонда ўзаро муносабатларни давом эттириш ва мустаҳкамлаш борасида улкан салоҳият мавжудлиги, ҳар иккала мамлакатнинг БМТ, МДҲ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигида яққол намоён бўлади.

Бугунги кунда ўзбек–қирғиз муносабатлари сифат жиҳатидан янги — стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг янги саҳифасини очган 2017 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатлари ривожида тарихий давр бўлди. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, кўплаб масалалар бўйича ҳамфикрлиги, ҳамкорликка интилишининг муштараклиги туфайли барча соҳадаги алоқалар мустаҳкамланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида, аввало, қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Айниқса, кейинги икки йил ичида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашаётгани бунинг ёрқин далилидир. Хусусан, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Бунда давлатларимиз раҳбарларининг доимийлик касб этган мулоқотлари, ушбу учрашувлар чоғида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки қардош халқ манфаатларидан келиб чиқиб, барча соҳалардаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини бермоқда. Хусусан, ўтган йили икки мамлакат президенти олти марта учрашди. Уч ой мобайнида уч марта олий даражали ташриф амалга ошди. Саккиз йиллик танаффусдан сўнг икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлиси тикланди. Икки томонлама ҳамкорликка бағишланган 42 ҳужжат, жумладан, давлат чегаралари тўғрисидаги Шартнома, Стратегик ҳамкорлик, дўстлик, яхши қўшничилик, ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларация ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Давлат чегараларининг 85 фоизи бўйича келишувга эришилди, айрим назорат ўтиш пунктларидаги чекловлар олиб ташланди, Қамбар Ота–1 ГЭСи, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темирйўл магистрали қурилиши лойиҳаси ва Қашқар – Иркештом – Ўш – Андижон – Тошкент йўналиши бўйича автомобил йўлагини очиш бўйича келишувга эришилди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 60 фоизга ошди, қўшма бизнес анжуманлар, сессия ва маҳсулотлар кўргазмалари ўтказилди. Ишбилармон доиралар ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги алоқалар кенгайиб бормоқда. Туризм ва маданий-гуманитар алоқалар анча фаоллашди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида йўловчи ташиш мақсадида авиа, темирйўл ва автомобил қатновлари йўлга қўйилмоқда. Қирғизистонда Ўзбекистон маданият ва санъат кунлари ўтказилди.

Бундан кўринадики, қисқа муддатда ўзбек – қирғиз ҳамкорлигининг пойдеворини мустаҳкамлаш ва уни янги мазмун билан бойитиш йўлида биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, кейинги икки йил ичида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг узоқ ва яқин давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда тузилмалар билан ҳамкорлик, яхши қўшничилик алоқаларини янги сифат ва самара босқичига кўтариш йўлидаги амалий ҳаракатлари ва бунинг халқимиз, қўшни давлатлар халқи ҳаётида яққол кўзга ташланаётгани шубҳасиз, қувонарли ҳолдир.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистоннинг "Данакер" ордени билан мукофотланди. Юксак давлат мукофотларидан бири ҳисобланган ушбу орден халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, миллатлараро тотувликни асраш, илм–фанни ривожлантириш, миллий маданиятларни яқинлаштириш ва бойитишга катта ҳисса қўшган инсонларга берилади. "Данакер" – яраштирувчи деган маънони англатади. Мукофот Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатларини ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларининг юксак эътирофидир.

Умуман олганда, ўтган йили эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларга янги руҳ бағишлади, биргаликдаги фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Минтақада самарали транспорт йўлларини ривожлантириш иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Масалан, Марказий Осиёни Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган темир йўл нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг транзит салоҳиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради. Ўзбекистон мутахассислари Қирғизистон ҳудудида бундай йўналишни лойиҳалаштириш ва қуришда иштирок этишга тайёрлигини билдирган.

1991 йилда Қирғизистонда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланган бўлса, Президентимизнинг жорий йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори эса халқларимизнинг яхши қўшничилик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, адабиёт, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқларимиз ўртасида янги босқичда ривожланаётган бу каби дўстона алоқалар амалий мазмун билан янги босқичда бойиб бораётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Айниқса, сўнгги вақтларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик тамомила янгича маъно ва моҳият касб эта бошлади. Давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларидан ташқари ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар алмашинуви, маданият, санъат ва бошқа соҳалар вакилларининг ижодий, қўшма тадбирлари амалга оширилди. Азалдан бир дарёдан сув ичиб келаётган, ҳосил даласи ва яйловлари бир-бирига туташ, бир-бирига елкадош, тақдирдош, тарихи умумий, маданий ва диний қадриятлари муштарак, урф-одатлари бир-бирини тўлдирувчи халқлар бугун бир-бирига янада яқинлашди, ўртадаги сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Чегара туманларида яшовчи фуқароларнинг анча йиллардан бери узилиб қолган борди-келдилари йўлга қўйилди, бир-биридан узоқлашган оилаларнинг бағри тўлди.

Бир сўз билан айтганда, давлатларимиз раҳбарларининг интилишлари туфайли ривож топаётган муносабатлар мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқларимиз фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
халқаро шарҳловчи

Рангин дунё

"РАҚҚОС УЙ"

УЗОҚ ТОРТИШУВЛАРДАН КЕЙИН ПРАГАНИНГ "ТАШРИФ ҚОҒОЗИ"ГА АЙЛАНГАН

Чехия пойтахти Прагада жойлашган рақс тушаётган жуфтликни эслатувчи бино ўз вақтида танқидчилар, архитекторлар ва шаҳар аҳолиси ўртасида кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган. Деконструктивизм йўналиши ва руҳида қурилган ушбу иншоот бугунги кунда шаҳарнинг эътиборга молик жойлари ўнталигидан ўрин олган. Голливуд раққослари Жинжер Роджерс ҳамда Фред Астер шарафига "Жинжер ва Фред" номини олган ушбу бино аллақачон Прагаанинг "ташриф қоғози"га айланиб улгурди. Бинонинг бир қисми юқорига қараб кенгайиб борган бўлиб, жуфтликдаги эркак тимсолидир. Унинг иккинчи қисмида эса аёл қомати — хипча бел ва айланаётган юбка акс эттирилган. Иншоотни Прага аҳолиси "Стакан", "Раққос уй" деб ҳам аташади.

Бино 1996 йилда ўша пайтдаги Чехия президенти Вацлав Гавел ташаббуси билан барпо этилган. Лойиҳага хорватиялик архитектор Владо Милунич ва канадалик архитектор Фрэнк Гери муаллифлик қилган. Қурилиш ишлари икки йил давом этади. Шаҳар аҳолиси ушбу бино қад кўтарганидан сўнг норозилик билдиради, чунки у атрофдаги уйларга ўхшамас, бутунлай ўзгача услубда эди. Лекин бу норозилик узоққа чўзилмади, "Раққос уй" Прагаанинг эътиборга молик жойларидан бири сифатида тан олинди.

Бинонинг тўққиз қавати ер усти, икки қавати ер остида жойлашган. Бугунги кунда унда бир қанча халқаро ташкилотларнинг офислари, галереялар ва меҳмонхона жойлашган. Энг юқоридаги қаватида замонавий француз ресторани — "Прага марваридi" фаолият юритади. Унинг ойнасидан шаҳар манзараси кафтдек кўриниб туради.

Иншоот XIX асрда қурилган бинонинг Америка авиацияси зарбасидан зарар кўрган қисмида барпо этилган. Ушбу бинони қуриш ташаббускори бўлган ўша пайтдаги Чехия президенти Вацлав Гавел унга қўшни бўлган уйда истиқомат қилган. 2016 йилнинг ўрталарида иншоот ичида "Dancing House Hotel" номли 21 хонага эга тўрт юлдузли меҳмонхона очилди. Бинонинг устки қисмида занглмас пўлат билан қопланган қувурлардан иборат гумбаз бўлиб, у раққосларнинг сочига ишора қилади. Иншоот барпо қилинган йилнинг ўзидаёқ "Time" журналининг мукофотига сазовор бўлган. Чехия миллий банки "Раққос уй"ни эсдалик тангаларида акс эттиришга рухсат берган.

Айни пайтда Интернет ва ижтимоий тармоқлар воситасида бино тобора машҳур бўлиб бормоқда. Бу ер кўплаб хорижлик сайёҳлар учун дилтортар жой. Улардан бири бино ҳақида ўзининг фикрини қуйидагича ифодалайди:

— Прагага келмасимдан аввал "Раққос уй"да бирор кўргазма павильони жойлашган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Лекин уни ўз кўзларим билан кўриб ҳайратга тушдим, қарангки, бу ерда бизнес-марказ ўрин олган экан. Албатта, юқори қаватларнинг бирида ресторан жойлашган ва бу ерда кечки овқатланиш учун катта ҳақ тўлашга тўғри келади. Шундай бўлса-да, унинг жойлашган ўрни, ресторандан шаҳар манзарасини томоша қилиш имкони борлиги ҳисобга олинса, бу шунга арзигулик. Унинг тунги таровати ёритувчи чироқ нурлари жилоси билан янада гўзаллашиши, шубҳасиз.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

АСТЕРОИДДАН ДАСТЛАБКИ СУРАТЛАР ОЛИНДИ



Японияннинг "Хаябуса-2" зондидан учирилган икки мини-робот коинот тарихида биринчи марта астероид юзасига муваффақиятли қўнди ва ерга сурат ҳолида маълумотлар узата бошлади. Бу ҳақида Япония аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (JAXA) сайтида хабар тарқатилди.

Ҳар бирининг оғирлиги бир килограм чиқадиган мобиль тадқиқотчи роботлар шу йилнинг 21 сентябрида "Хаябуса-2"дан ажралиб чиққан эди. Улар айни пайтда бир меъёрда ишламоқда. Уларнинг бири ҳозир Рюгу астероиди юзасида ҳаракатланмоқда. "Хаябуса-2" зонди Рюгу астероидига шу йилнинг июнь ойида етиб борган эди.

Робот айни пайтда айланиб ҳаракат қилаётгани ва қуёш нури тушаётгани сабаб бироз ҳира суратлар юбормоқда. JAXA ҳозиргача 3 дона сурат қабул қилган, холос.

Эслатиб ўтамиз, "Хаябуса-2" космик зонди Япония жанубида жойлашган Танэгасима космодромидан H-2A раекта ташувчиси ёрдамида 2014 йилнинг 3 декабрида парвозини бошлаган. Зонд астероид атрофида бир ярим йил бўлади. Ўрганишнинг кейинги босқичида Рюгу тупроғидан намуналар олинади. Бунинг учун унинг юзасига мобиль портловчи қурилма учирилади. Навбатдаги босқичда астероидни батафсил таҳлил қилиш учун яна бир тадқиқот аппарати у томон юборилади.

WINDOWS ТАҲДИД ОСТИДА ҚОЛДИ

Хакерлар Windows операцион тизимида бўлган ва бартараф этилмаган заифликдан унумли фойдаланди. Бунинг оқибатида Россия, Украина, Польша, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон, Чили ва Филиппиндаги фойдаланувчилар зарар кўради. Бу ҳақда ESET компанияси маълум қилди.

Заифлик 27 август куни аниқланган. У операцион тизимнинг 7-,10-версияларига тегишли бўлиб, Windows топшириқларини режалаштирувчининг ишига бевосита таъсир ўтказган. Бу ҳақда маълум қилинганидан кейин мутахассислар ундан PowerPool кибергуруҳи мақсадли ҳужумларда фойдаланишини аниқлади. Гуруҳ ҳужумига чекланган миқдорда фойдаланувчилар учрайди. Улар трендларни кузатиб боради ва маълумот йиғувчи янги дастурларни ишга туширади.

Бу жараёнда фойдаланувчилар электрон хат олади. Унинг ичидаги дастур разведка вазифасини бажаради, компьютерга тушган дастур хакерлар буйруқларини бажаради ва қурилмада йиғилган маълумотларни уларга жўнатади. Агар компютердаги маълумотлар хакерларни қизиқтирса, улар иккинчи босқич дастурини ўрнатади ва тизимни доимий бошқариш имкониятини қўлга киритади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Эълон!

Акмал Туланов номига берилган Олмазор тумани Соғбон 30-тупик, 3-уй, 12-хонадоннинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MILLIY TIKLANISH
39 (523) 2018 йил 26 сентябрь, чоршанба

Хиёбон

"...АЙЛАМАК БЎЛМАС АДО ОНИНГ ҲАҚИН ЮЗ ГАНЖ ИЛА"

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Юртимизда кечаётган ўзгаришлар жараёнида мактаб таълимига доир ислоҳотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Айни ислоҳотлар мақсадли, манзилли, халқнинг, ота-оналар, педагогларнинг хоҳиш-истаги, мақсад-муддаолари, ёшларнинг беғубор орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда белгиланган миллий қонунчиликка таянилиб, қатъий олиб борилмоқда. Бу ўқитувчиларга ҳам ўз ишига янада масъулият билан ёндашишга ундайди, шундай эмасми?

— Тан олиш керак, бир муддат таълим тизими анчайин муаммолар гирдобида қолганди. Айниқса, халқ таълими ходимлари ойлик маошининг пастлиги, улар ўз вазифасидан бошқа ишларга ҳам жалб қилиниб келингани натижасида ўқитувчиларнинг рейтинг кўрсаткичлари ҳам йилдан-йилга пасайиб борди... Умумий ўрта таълимни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш мақсадида соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга — жамиятда ўқитувчилар мавқеини, обрўси ҳамда уларнинг мақомини оширишга қаратилаётган бугунги эътибор эса ҳар бир зиёли инсонни қувонтирмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз таълим тизимидаги янгиланиш ва ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан, кўплаб ота-оналар, педагоглар, ёшлар, кенг жамоатчилик таклифларини ўрганган ҳолда, юртимизда 11 йиллик ўрта таълимнинг қайта тиклангани ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кучайишида, улар тарбиясини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз раислигида шу йилнинг 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ёки 2018 йил 14 августда қабул қилинган "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳам ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини оширишга, ёш авлоднинг пухта ва сифатли билим олиши, ўзи қизиққан йўналиши бўйича касб-ҳунар эгаллашига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Бу эртамиз эгаларининг билимли, касб-ҳунарли бўлиб улғайиши, маънавияти, одоб-ахлоқи, бўш вақти устидан маҳалла-кўй ва жамоатчилик назоратининг ўрнатилишига кенг имконият яратди.

Юқорида тўғри таъкидладингиз, бу, ўз навбатида, биз ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Бундай ғамхўрликка жавобан янада фидойи бўлишимиз, келажагимиз ворисларига таълим-тарбия бериш баробарида, уларга меҳр-эътибор кўрсатишимиз даркор. Устоз-мураббийлар бу масъулиятни чин юракдан ҳис этмаса, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Демак, эндиги муҳим вазифа — яхши ўқитиш ва яхши ўқиш.

— Ахборот-технологик воситалар ривожланган асрда яшаяпмиз. Бугунги давр боласи интеллектуал фаол, янгиликка ташна. Бу ўз-ўзидан ўқитувчининг замондан бир қадам олдинда юришини талаб этмоқда. Ўз касбини севувчи, тиниб-тинчимас, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Ижодкор ўқитувчи", "Энг яхши маҳорат дарси" сингари кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган педагог сифатида бу борадаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижод ва изланиш бугунги кун ўқитувчисининг ҳаёт мазмунига айланиши шарт. Агар у фаол бўлмаса, ўқув-тарбиявий жараёнларни тўғри ташкил этмаса, замонавий технологияларни қўллашга эътибор қаратмаса, давр билан ҳамнафас, ҳамқадам яшай олмайди. Энг аввало, уни ўқувчиларнинг ўзи қабул қилолмайди. Чунки улар биздан-да зукко, биздан кўра фаол ва янгиликка иштиёқи баланд. Фақат дарслик билан чегараланиб қолмай, янги-янги маълумотларни, ахборот қидирув тизимида топиш мумкин бўлмаган фойдали билимларни бериб боришимиз керак. Агар ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилиб, уни қандай мукаммаллаштириш ва ривожлантириш ҳақида ўйласа, у кўп нарсага эришади. Мураббий ўқувчиси нима билан банд, қандай ўй-хаёллар оғушида яшаётганини ҳам ҳис қилиши, билиши керак. Бугунги кун боласи "қолипга тушиб қолган фикрлар" билан иш кўрмайди. Улар фикрлашда анчайин эркин ва мустақил. Шу боис ўқитувчининг таълим жараёнида янги педагогик тажриба ва технологияларни кенг қўллаши, ҳар бир дарсга пухта ҳозирлик кўриши, интерфаол усуллардан унумли фойдаланиши ўқитиш самарадорлигини таъминлайди. Машғулотларнинг очиқ дарс тарзида, ҳаётий мисоллар ва қизиқарли ўйинлар воситасида олиб борилиши эса ўқувчилар чуқур билим олиш билан бирга, эркин фикрлашга, янги ғоялар устида мушоҳада юритишга кўникма ҳосил қилишида қўл келади. Қолаверса, яхши ўқитувчи ўқувчиларни китоб билан ошно этади — бадиий адабиётни яхши билиши ва унинг фойдасини ишонарли тарзда тушунтира олиши зарур.

— Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан бошланғич синф ўқитувчисига ҳам боғлиқ. Негаки илк бор мактаб остонасига қадам қўйган болакайнинг ҳаяжонларига шерик бўлиш, муқаддас тушунчалар ҳақида илк тасаввурнинг пайдо бўлиши, бола шахсининг ривожланиши — бу кўнгилдан шунчаки кечадиган нарса эмас...

— Бошланғич синф ўқитувчиси деганда, аввало, таълим берган онам ва биринчи ўқитувчим кўз олдимга келади. Уларнинг машаққатли ва шарафли касбининг замирида залворли меҳнат ётганининг гувоҳи бўлганман. Онам доимо бир даста дафтар билан уйга қайтарди. Ҳамма уйқуда. Фақат онамнинг хонасидаги чироқ ўчмасди...

Ўзимнинг ҳам ҳаёт тарзим деярли шундай ўтмоқда, десам муболаға эмас. Касбим кўп нарса берди: хотиралар, яхши шогирдлар... Ўқувчиларим билан боғлиқ унутилмас воқеалар ҳам бўлган. Шундай воқеалардан биттаси ҳеч ёдимдан чиқмайди. Дарс машғулотларининг бирида "Ўқиш китоби"дан "Она алласи" шеърини ўргандик. Уйга вазифа қилиб, ҳар ким ўз онаси айтган аллани ёзиб келишини топширдим. Эртасига бир ўқувчим "устоз, мен уй вазифасини бажара олмадим, онам менга ҳеч ҳам алла айтмаган экан", дедим-да, ўксиниб йиғлаб юборди. Кутилмаган вазият юзага келганди — ахир ўқувчига "онанг она бўлиб ҳеч қачон алла айтмаганми?", дея олмайман-ку?! Ўшанда вазиятдан чиқиш учун "майли, унда бугун сенга мен алла айтиб бераман, ўқитувчи ҳам онадек гап", дедим-да, бир вақтлар ўзим тўқиган аллани айтиб бердим:

Онам алла айтганда,
Юракдан жўшиб айтар.
Момоларим армонларин,
Қўшиққа қўшиб айтар...
Алла болам алла-ё ,
Гулу лолам алла-ё!
Алла айтмай ўтдилар,
Не-не буюк аёллар.
Бибихоним, Зебунисо,
Сизга кетар хаёллар...
Алла болам алла-ё ,
Гулу лолам алла-ё!
Алла айтинг аёллар,
Алпомишлар туғилсин.
Алла айтинг, оналар,
Олам қўшиққа тўлсин.
Алла болам алла-ё ,
Гулу лолам алла-ё!..

Биласизми, ўша онда ўқувчим аллани ёзиб олар экан, гўё вазифани аъло даражада бажаргандек қувонганини кўриб елкамдан тоғ ағдарилгандай сездим ўзимни...

Яна бир воқеа. Уйимизга бир ўқувчимнинг онаси қизи уйга бормаганини айтиб, дарси қачон тугагани-ю, мактабдан қачон кетганини сўраб келиб қолди. Кун анча кеч бўлиб қолган бўлса-да, мактабга бордим. Бирин-кетин мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар ҳам йиғилди. Қидирув бошланди — синфдош ўқувчиларнинг уйлари, қишлоқнинг ҳеч бир кўчаси қолмади, ҳисоб. Она эса "қизимни топиб беринглар", деб туриб олган. Дугоналари эса мактабдан бирга қайтгани, у уйига кириб кетганини қайта-қайта такрорлашар эди. Кўнглим бир нарсани сезгандек, ўқувчимнинг онаси билан уйига бордим. Худди игнаси йўқолган кишидек, хоналарни бир-бир кўздан кечира бошладим. Беихтиёр кўзим уй ўртасида турган, устига чиройли дастурхон солинган хонтахтага тушди. Негадир ичимда бир овоз "бола шу ерда" дегандек бўлаверарди. Шу хаёл билан хонтахта ёпинғичини кўтарсам, не кўз билан кўрайки, қизалоқ сумкасини бошига қўйиб, мактаб формасида маза қилиб ухлаб ётарди...

Ҳамма ота-онани ҳам фарзандига эътиборли, деб бўлмайди. Ўқитувчи эса уларни ўз боласидек, керак бўлса, ундан ҳам ортиқ кўради. Ўқитувчининг зиммасида масъулиятли, машаққатли, шу билан бирга ўта шарафли вазифа бор. Мен шундай касб эгаси бўлганимдан доимо Яратганга шукрона айтаман. Болалар билан бўлсам, болалигимга қайтаман — керак бўлса улар билан бирга ўйнайман, ўқийман, бу менинг ҳаётим, тақдирим, нурли келажагим...

— Ҳар бир инсон оилада камолга етади. Унинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши шу оиладаги муҳитга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Аёнки, она — тарбиянинг асосий меҳвари. Бу ҳар бир она гарданига буюк вазифа ва масъулият юклайди.

— Оилада ҳар бир кишининг ўз ўрни, бурч ва масъулияти бор. Оилавий ҳаётда ана шу жиҳатлар ҳисобга олинса, ўша оилада ўзаро ишонч руҳи ҳукм суради, тинч ва саодатли ҳаёт кечиради. Ўзимга келсак, ҳамма қатори эрта тонгда туриш, ҳовли-жойни тозалаш, сув ташиш, тандирда нон ёпиш, сигир соғиш... Уй юмушларини бадастир қилгач, мактаб томон ошиқиш, бу менинг оддий ҳаёт тарзим. Мактаб остонасига қадам қўяр эканман, қулоғим тагида онамнинг сўзлари янграйди: "Мактаб ҳам масжиддек муқаддас даргоҳ. У ғийбатни, ёлғонни ёқтирмайди. Ўқитувчилик касбини танладингми, унга ҳеч қачон хиёнат қилма, ўқитувчи маҳсулот ишлаб чиқармайди, балки инсон тақдирини белгилайди. Болаларга бўлган муносабат-муомаланг, меҳринг, берадиган билиминг туфайли буюк инсонларни кашф этасан".

Шу гапни айтган аёл ҳам оддий қишлоқ аёли, ўқитувчиси эди. Мен қишлоқда, зиёли оилада дунёга келганимдан, китоблар ичида яшаганимдан мамнунман, бугунги кунда озми-кўпми обрў-эътибор топган бўлсам, барчаси шу касб туфайли. Бу менинг зиммамга катта масъулият юклайди, доимий ҳаракатга ундайди.

Энг муҳими, хоҳлаймизми, йўқми, аёлнинг зиммасидаги вазифалар у ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, ўз вақтида бажарилиши лозим. Биз аёлмиз, уйимиз эшигидан киришимиз билан аёллик, оналик, уй бекалик, рафиқалик, пазандалик, рўзғор юмушлари каби бир қанча вазифаларимиз бошланади. Бу вазифалар адо этилмаса, оилада тинчлик йўқолади.

2017 йил 27 сентябрь. Бу сана менинг ҳаётимда унутилмас кун бўлди. Президентимиз фармонига асосан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвони билан тақдирландим. Оддий қишлоқ ўқитувчисининг камтарона меҳнатига берилган баҳо учун Юртбошимиз ва халқимиз олдида ўзимни доимо қарздор ҳисоблайман.

— Вақт ўтиб борар экан, инсон тез-тез болалик хотираларини эслайди. Кимдир ўкинч ила ёдга олса, яна кимдир фарахбахш туйғулар оғушида қолади. Сиз кўпроқ нималарни эслайсиз?

— Болалигим Шаҳрисабз туманидаги сўлим Хазора қишлоғида ўтган. Бир ёнда олмазор, бир ёнда узумзор, бир ёнда Танхоз дарёси, бир ёнда Ҳисор тизма тоғларининг оппоқ чўққилари. Тоғдан эсадиган майин шабада... Агар рассом бўлганимда қишлоғимизнинг бетакрор жамолини, суратини жон-жон деб чизган бўлардим. Бобом ҳам, отам ҳам ўқитувчи бўлган. Улар ўз соҳасининг устаси, жонкуярлари эди.

Болалигимдан яхши хотиралар қолган. Ота-онам ҳамиша ёнимизда, саккиз ака-сингил жамулжам, аҳил-иноқ яшаб, ҳаммамиз мактабда аъло баҳоларда ўқир эдик. Яна оилавий санъатга қизиққанмиз — ака-укаларим тор, доира, рубоб, дутор чалишар, опам ва мен қўшиқ айтиб, рақса тушар эдик. Мумтоз қўшиқларни жону дилимиз билан куйлаганмиз. Уйимизда хона деворида ҳамиша рубоб, доира осиғлиқ турар эди. Уйимизга меҳмон келса, биз учун байрамга айланарди. Биз уларга қўшиқлар айтиб берардик.

Ниҳоятда меҳнаткаш инсон бўлган отам учун математика фани дунёдаги энг қизиқарли фан эди. Онам Навоий, Фузулий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Машраб ғазалларини ёддан ўқиб берарди. Онамдан аруз вазнини яхши ўзлаштирганимиз учун ғазалларни бехато ва ифодали ўқир эдик. "Мунажот", "Ушшоқ", "Куйгай", "Фидо", "Самарқанд ушшоғи", "Тошкент ушшоғи", Нодирабегим, Фурқат, Машраб, Фузулий, Огаҳий ва Лутфий ғазалларига басталанган қўшиқлар бизнинг севимли қўшиқларимизга айланган.

Ота-онамнинг таълим-тарбияси зое кетмади. Ҳаммамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Улар мен учун ҳамиша ибрат мактаби бўлган, ота-онам, бобо ва бувиларимизнинг касбини давом эттириб кам бўлмадим. Бугун ўқитувчилар сулоласининг учинчи авлоди эканимдан, фарзандларимизнинг икки нафари ўқитувчилик касбини танлаганидан фахрланаман.

— Ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлиги боланинг келажаги учун мустаҳкам асосдир. Бугунги кунда ушбу боғлиқлик бироз сусайгандек, назаримда. Бу ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Ота-она, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги концепцияси яратилганига анча бўлди. Унга асосан мактабларда "Ота-оналар университетлари" фаолият юритиши лозим. Афсуски, аксарият мактабларда бу иш қоғозда қолиб кетаяпти. Шунинг учун ота-оналарни мактабга жалб қилишнинг бошқа ноанъанавий йўлларини ўйлаб топишимиз лозим. Масалан, "Энг намунали оила", Китобхон оила", "Спортчилар оиласи", "Психолог маслаҳати" "Болангизни биласизми?", "Оталар мусобақаси" "Оналар мусобақаси" каби тадбирларни ташкил этиш орқали ота-оналарни мактабга жалб қилиш мумкин. Ота-оналар йиғилишига аксарият ҳолларда оналар келади. Бу ҳамма мактабга хос оғриқли нуқта. Тўғри, ота уйнинг устуни, рўзғорни бут қилиш учун елиб-югуради. Лекин бир нарсани унутмаслик керак: уйда бола билан она шуғулланса, мактаб ўқитувчилари ҳам асосан аёллардан иборат. Хўш, бундай шароитда ўғил болалар ҳақиқий эр киши, оила бошлиғи қандай бўлиши кераклигини кимдан ўрганади?! Шунинг учун "Мен отамнинг ўғлиман", "Мен отам билан фахрланаман" каби тадбирлар ташкил қилинса, мактаб билан ота-она ҳамкорлиги янада жонланиши, шубҳасиз.

Ота-она билан ҳамкорлик узвийлик касб этиши учун "Ота-оналар билан суҳбат дафтарлари" юритиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу дафтар орқали биз ўқувчининггина эмас, ота-онанинг ҳам масъулиятини, мактабга, ўқитувчига бўлган муносабатини билиш имконига эга бўламиз. Эсдан чиқармаслик керакки, фақат чора кўриш, танбеҳ бериш билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Ота-оналар йиғилишида умумтаълим мактаблари тўғрисидаги янгиликлар, амалдаги қонун, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини тушунтириб боришни ҳам долзарб вазифалардан, деб ҳисоблайман.

Мактабимизда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг туғилган кунига китоб совға қилиш одат тусига кирган. Ота-оналар "Очиқ намунавий дарслар", тадбирларда ҳомий сифатида ўқув қуроллари совға қилишади. Бу ҳам, ўз навбатида, мактаб ва ота-она ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Қолаверса, хориж сериалларига муккасидан кетган ота-оналарга фарзандингизга эътиборли бўлинг, савиясиз кино кўриш ўрнига фарзандларингизга китоб олиб бериб, уйқуга ётишдан олдин унга китоб ўқиб бериш, уйингиздаги жавонларда қимматбаҳо идишлар ўрнига китоб сақлашни одат қилинг, деган бўлардим.

— Таълим сифатига ўқитувчининг билим даражаси ва педагогик маҳорати ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бу борада катта тажрибага эга устоз сифатида ёш ўқитувчиларга нималарни маслаҳат берган бўлардингиз?

— Мактаб — муқаддас даргоҳ. Барчамиз дастлабки билимни шу масканда оламиз. Ўқитувчилик энг шарафли, айни пайтда энг масъулиятли касб. Чунки у эзгулик йўлида хизмат қилади — ёш авлодга таълим-тарбия беради, таъбир жоиз бўлса, мурғак қалбга ҳар зарраси билим зиёси билан йўғрилган одамийлик уруғини сочади. Ёшларнинг келажакда қандай мавқега эришиши кўп жиҳатдан уларга билим берган устозига боғлиқ.

Яқинда бир ҳамкасбим қутилмаганда "Сиз ўқувчингизни бағрингизга боса оласизми?" деб савол бериб қолди. "Қучоқ очиш ҳам гапми, вақти келса бор меҳрими бераман" десам, у "мен бировнинг боласини асло бағримга боса олмайман", деди. 32 йиллик педагогик фаолиятим давомида бундай гап эшитмагандим: бировнинг боласи... Устимдан муздек сув қуйилгандек бўлди! Ҳамкасбимга "қанақасига бировнинг боласи, у бизнинг болаларимиз, келажагимиз, дилбандларимиз... Биз ана шу болажонларни севмас эканмиз, ўқитувчи деган шарафли номга нолойиқмиз", деб дакки беришга мажбур бўлдим...

Дунёда касблар кўп. Улар ичида шундай бир касб борки, у замон ва макон танламайди. Одамзод дунёнинг қай бурчида бўлмасин унга, унинг меҳнатига муҳтожлик сезаверади. Чунки инсон усиз одам ва оламни, ўзи ва ўзликни англолмайди. Шу боис, у — мўътабар, у — азиз. Ўқитувчининг билим даражаси, меҳнати шогирдлар камолида намоён бўлади. Ҳозирда кўп ёшлар олий ўқув юртини тугатиб келаяпти, уларда билим, иқтидор етарли, аммо уни ўқувчига тўлалигича етказиб бера олмаяпти. Бу, албатта, педагогик маҳоратга боғлиқ. Агар ўқитувчида ҳам билим, ҳам маҳорат бўлмас экан, у ўқувчи қалбидан асло жой ололмайди.

Яна бир гап. Ҳамкасбларимга ҳар куни ҳеч бўлмаганда икки соат вақтингизни китоб ўқишга ажратинг, деган бўлардим. Китоб инсонга маънавий озуқа берибгина қолмай, унинг тафаккурини ҳам бойитади, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустаҳкам пиллапоя вазифасини бажаради. Бошқача айтганда, илмдан, маърифатдан, китобдан фойдаланган миллатгина ўзлигини англайди, юксалади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Дилфуза МАҲКАМОВА суҳбатлашди.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 916, Адади — 3912. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.05.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345